

Jizzax va Fallaorol tumanlari chegara hududida 5 gektarli maydonda ko'chat o'tkazish nihoyasiga yetkazildi. Fallaorol tumani tibbiyot va agrobiznes kollejlari talabalari faolligida yangi boqqa minglab tup daraxt ko'chatlari ekildi.



Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەھرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 8 май, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 35(7438)

Da'vat

Xotirasi o'zi sevgan odamlar qabrida muqaddas saqlanadigan odam, barhayot bo'lib qolib uchun zarur ishni qilib qo'ygan odamdir.

Glorg EBERS

9 Май – Хотира ва Қадрлаш кунни

Ўтганларни ёд этиш, қарияларни эъзозлаш ўзбек халқининг аазали удумлари сирасига кирди. Аммо бу удумлар шу вақтгача мавжуд бўлган на бирор тузум, на бирор давлат дастуридан ўз ўрнини топмаган эди. Республикамыз мустақилликка эришгач, мейълум давр мобайнида унутилган, топтал-

ақлли инсонга хос бўлмаган ишдир. Яратганга шукрки, бутун бир халқ, миллат қадрияти қайта тикланди. Ўзбек халқига хос фазилатлардан бири шуки, ким бўлишидан қатъи назар шу юртининг асл фарзанди битта эзгу ишни бошлаб берса, бу иш бутун ўзбек диёри бўйлаб кенг қулоқ ёяди.

да тақвимдан жой олди. Шу кун кексаларимиз иззат-икромда бўлиб, ёшларимиз хизматда мунтазир туради. Кам таъминланган оилалар, қаровечиси йўқ кишилар ҳолидан хабар олинади. Ўтганларнинг руҳи-поқларига бағишланиб, юртимизнинг турли бурчакларида тиловатлар ўқилади.



ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЯНА БИР НАМУНАСИ

Хар бир кун тарих, уни ортга қайтариб бўлмайди. Инсон борки, келажак томон дадил қадам босди, бирров ортга боқишга, ўз умри, ҳаётини мушоада қилишга, сарҳисоб чиғирғидан ўтказишга тутинади. Мен ҳам баъзида ўз ҳаёт йўлим, унинг тор баъзида кенг, ёруғ ва қоронғу кўчаларида кезар эканман, беихтиёр бугунги кунимизга, Ватанимиз озодлиғи, юртимиз тинчлиғи, фарзандларимиз, неварачеварларимиз қувончине кўриб, шукроналик келтираман. Ахир бу кунларни биз қанчалик интиқ кутганлигимиз, бу йўлда неча-неча машаққатли давоиларни ошаиб ўтганлигимиз ҳозирги ойдан кунларимиз ортида қолиб кетди. Бирок унинг муҳиши хотирларни қора доғ бўлиб, кўксимизга ўз муҳрини босган. Айниқса, ўтган асрнинг энг қора кунларидан дарак берувчи II-жаҳон уруши йиллари, унинг қиргин-баротларини эслаганда ҳамон юракка

қадалган тигъ янглиғ инсонларга азоб беради. Зеро, уруш неча-неча навтиҳолларни ўз домига тортганлигин унутиш гунох. Урушдан кейинги йиллар ҳам осон кечмади. Издан чиққан халқ ҳўжалиғини тиклаш борасида олиб борган халқимизнинг фидойилиғи боис бугунги дорилармон кунларга этиб келдик. Эйтиборлиси, дав-

Munosabat

латимизнинг ўз мустақиллиғини кўлга киритиши ва осойишта заминда ривожланган эркин фуқаролик жамият қуриши сари ташланаётган қадамлар биз кексаларни ҳам руҳлантириб юборди. Тарихимизни тиклаш, халқнинг ўзлиғини танитиш йўлидаги олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар эса таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари жори йилни Президентимиз томонидан "Қарияларни қадрлаш

йили" дея эйтироф этилиши нурунийларга қўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди. Қуни кеча эса бу йўлда яна бир қадам ташланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасининг умум-халқ байрами — 9-май — Хотира ва қадрлаш кунни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 57 йиллиғи муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рабатлантириш тўғрисидаги қарорнинг чиқарилганлиғи кўксимизни тоғ қилди.

Инсонга эйтибор, унга қўрсатиладиган ҳурмат намунаси. Бизга қаратилган эйтибор эса юрт эъзозиде эканлиғимиздан далолат беради. Яратгандан сўраймизки, кексаларни эъзозлаган доимо эъзоз топсин.

Ҳамидулла МАҲКАМОВ,
II-жаҳон уруши қатнашчиси,
фахрий ўқитувчи

ТАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ТОПГАНИМНИ
МАКТАБГА
БЕРАМАН
2-бет

ПАРКЕНТ—ФАРФОНА:
МАШЪАЛА
ҲАРОРАТИ
СЎНМАЙДИ АСЛО
3-бет

НУРОНИЙ
ЧЕҲРАЛАРДА
НУРЛИ ТАБАССУМ
4-бет

ЖАНГЧИ
ЎҚИТУВЧИ ЁДИ
4-бет

УСТОЗНИНГ БАХТИ
ШОГИРДЛАРИНИНГ
КАМОЛИДА
5-бет

ЭНГ КЎП
ИШЛАТИЛАДИГАН
ҲАРФНИ
БИЛАСИЗМИ?
6-бет

БЎЛҒУСИ ВАТАН
ПОСБОНЛАРИ
7-бет

9 МАЙ
КРОССВОРДИ
8-бет

МАРҲУМЛАР ЁДИ, ТИРИКЛАР ЭЪЗОСИ МУҚАДДАС

ган, тақиқланган аънасаларимиз ҳаётда яна ўз ифодасини топа бошлады.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 9 майнинг мамлакатимиз миқёсда "Хотира ва Қадрлаш кунни" деб эълон қилиниши ва пойтахтимизнинг марказида Хотира майдони барпо этилиши қадимий аънасаларимизнинг, урф-одатларимизнинг давлат миқёсда ўз ўрнини топиши бўлди. Аждодларини унутган қалқ тоназулга маҳкум. Чунки аждодларимиз эканлиғини билмаган одам ўзининг келиб-чиқишини, наслу насабини ҳам билмайди. Ўтганларни унутиш эса

Юртимиз бўйлаб қулоқ ёзган эзгу иш туфайли вилоятларда, туманларда қанчадан-қанча ободонлаштиришу қурилишлар, гўзал масканлар қад ростламади дейсиз. Юртимиз Хотира майдонларида қад ростлаган она ҳайкаллари эса нафақат бугундан келажакқа қолувчи тарихий мерос, балки ўтганлар ёдига нисбатан ҳурмат рамзидир. Юртбошимиз ташаббуси билан иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетганлар, қатагон қурбонлари ва кўплаб марҳумлар номи абдалашади. Беदारак кетган инсонлар тақдири ойдинлашди. Энг муҳими, мамлакатимиз миқёсда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунни сифати-

Йил давомида, бироз бўлса-да, хотирадан кўтарилмаган марҳумлар номи яна қайта ёдга олинади. Қабристонлар ўз аждодларининг ва қабр аҳлининг руҳларини шод этишга ошиқоётган одамлар билан ғажум бўлади. Бу кунда бутун мамлакат аҳолиси айнан ўтганларни ёд этиш билан машғул бўлади.

Эртага мамлакатимиз бўйлаб Хотира ва Қадрлаш кунни кенг тарзда нишонланади. "Қарияларни қадрлаш йили"да халқимизнинг ўтганларни хотирлаш, триклирни эъзозлаш аъна-наси янада юксак мазмун касб этиши, шубҳасиз.

Абдулҳамид АБДУҲАД ўғли

ВАТАН МЕҲРИ

Диёримизнинг бу йилги баҳори баракали келди. Ариғу йўл бўйларини, қиру адиқларни, томларни қизғалдоқ ила ажиб рангга бўйган баҳор, тоғларда, қирларда, даштларда тантана қилган фасл энг гўзал қўшиғининг авж пардасида кўнги-ларни тоғ қадар юксалтирди. Шундай дамларда кўнги сафоли онларни, инжа туйғуларни, нозик оҳангларни кўмсайди. Айниқса, кўпма ҳўсига ҳўсн кўшган дамларда Ватан ҳақида кўйлаш мароклидир.

"Ўзбекистон — Ватаним маним" кўшиқлар қўрик-танловининг якуний республика босқичини ўтказиш учун бу йил нафақат Қашқадарё вилояти, балки Ўзбекистонимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири — Шаҳрисабз шаҳри танланди. Манбаларда Жанубий Сўғд, Кеш деб номланган бу маскан ҳақида ҳазрат Бобур Мирзо шундай ёзиб қолдирган: "Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур, тўққиз йилгача йўлдур... Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи ҳўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар..." Уч томони тоғ билан уралган кичик войдининг марказида жойлашган Шаҳрисабз ватанимиз тарихида ўзига хос ўринга эга. У энг аввало, Соҳибқон Амир Темуру тўғилган диёр эканлиғи билан ҳам қадрили. Бухоро, Самарқанд, Хоразмдан сўнг республика ўқувчилари кўшқ байрамнинг бу ерда ўтказилиши Шаҳрисабзнинг шу йил нишонланадиган 2700 йиллик тўйи олдидан ўзига

ЁШ КЎНГИЛЛАР ИЗҲОРИ



O'zbekiston — vatanim manim

хос бир рамзий тайёрларлик вазиғасини ҳам ўтади. Мурғак қалблар Ўзбекистонинг доврў таратган яна бир қадимий ва гўзал шаҳри билан танишиб, Ватан меҳрини янада яқиндан ҳис қилдилар.

ТАНЛОВ

2 май куни Оксаройнинг шундоқина ёнғинасида жойлашган Шаҳрисабз қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи ҳовлиси ҳар кўнгидан ғажум бўлди. Бу ерда кўксига Ватан сеғиси энг покиза туйғулар ила жўш урган болалар кўшиқ кўйлаб, баҳслашдилар.

Таъкидлаш жоизки, шу куни айтилган кўшиқлар мусикаси, шеъри, кўйловчининг овози нуқтаи назаридан турли даражада бўлсада, уларни боғлаб турувчи бир муштарак жиҳат бор эди — самимият. Чунки, болалар Ватан ҳақида кўйлаётган эдилар...

Танлов ҳайъати кўйидаги жамоалар ва ёш санъаткорларни голиб деб топди.

Олий муқофот.
Шаҳрисабз шаҳридаги Қори Ниёзий номидаги мактаб фольклор жамоаси.

(Давоми 2-бетда)

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Ikkinchi jahon urushi qatnashchilarini rag'batlantirish to'g'risida" gi Qarori matbuotda e'lon qilindi. Unda ikkinchi jahon urushi nogironlari va qatnashchilariga 9000 so'm miqdorida bir yo'la beriladigan pul mukofoti belgilangan.

MATBUOT ANJUMANI

Shu yil 23-28 may kunlari o'tkaziladigan "Boysun bozori" ochiq folklor festivali tashkilotchilari — Turg'un Alimatov xayriya jamg'armasi, "SMI-Asia" kompaniyalari guruhi, "Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati vakillari O'zbekiston Davlat konservatoriyasi binosida O'zbekiston va chet el ommaviy axborot vositalari uchun matbuot konferentsiyasi o'tkazildi.

ТАШАББУС

Мактаб — мўтабар маскан. У келажакнинг бешиғи. Зеро, юрт эртаси айни шу гаргоҳга камол топади, катта ҳаётга йўланма олади. Таъкидлаш лозимки, ҳар йили ушбу муқаддас гаргоҳдан мустақил ҳаёт сари минглаб ёшлар парвозга шайланар экан, уларни шунча йил давомида ўз бағрига олган, қўчоғида митти паллапондек тарбиялаб, илм-фан сурларини ўргатган қадридон мактаблари, қалби гарё ўқитувчиларига ўзгача меҳр қўядилар. Шу боис ҳам айрилиқ онлари оғир. Бироқ ёшларнинг келгусига ҳам республикамизнинг, қолаверса дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртурларига тахсил олиш, келажакда Ватан равнақини таъминлаш йўлида хизмат қилиш, эл қорига яраш орқали ота-онаси, мактаби, ўқитувчилари ишончини оқлаш ниятлари, ойдин орзулари улар қалбига тақсин бергандек. Ытирўвчи-ўқувчиларга зимдан разм солсангиз бу туйғу уларнинг порлаган кўзлари, шижоатларига дарҳол сезилади. Бугунги республикамизнинг турли мактабларига бошланган ташаббус ҳам айни фикрнинг нечоғли ҳақиқат эканлиғидан далолат. Бу ўқувчиларнинг ўз тенглошларини ҳам бошлаган ташаббусларини кўлаб-қувватлашга чорлаб тахририятимизга йўллаётган кўйидаги мактабларига ҳам ўз аксини топган.

(Давоми 2-бетда)

HAYOT DARAXTI

Tadqiqotchilarning xabariga qaraganda, Hindistonning Xunza viloyatida istiqomat qiluvchi aholi uchun o'rikdan qadrliroq meva yo'q. Ular hatto "O'rik daraxti o'sadigan yerlarda hayot bor" deb hisoblashadi. Ertayu kech o'rik istemol qiladigan bu odamlar yog'ni ham danagidan olishadi, qizlar pardoz uchun shu meva va uning suvidan foydalanishadi. Dunyoda eng uzoq umr ko'ruvchi xalq hisoblangan xunzaliklar 100 yoshdan oshganda ham yuzlariga ajin tushmas ekan.

ILK BOR KANADADA

Ilk bor doimiy ravishda tug'ilish, o'lim, nikohdan o'tish kabi fuqarolik holatlarini ro'yxatga olish 1621 yilda Kanadada yo'lg'a qo'yilgan edi. Bunday ro'yxatga olish so'ngra Yevropada ham odat tusiga kirib 1628 yilda Shvetsiyada rasm bo'lgan edi. Dunyo bo'yicha bu ikki davlat 300 yildan ziyod vaqt mobaynidagi o'z fuqarolari haqida to'liq ma'lumotlarga ega bo'lgan sanoqlik mamlakatlari hisoblanadi.

O'qutuvchi
yon dastariga

MAXSUS SHOKOLAD

Kanadalik bir guruh mutaxassislar insonning sovuvqa chidamilligini oshiradigan shokolad ishlab chiqarishdi. Tajribada ishtirok etgan talabalar ichida bu shokoladdan tanovul qilganlarining tana harorati uch soatda 8-10 darajali sovuvqa yarim darajadan kamroq pasaygani holda, yemaganlarniki bir daraja kamaygani kuzatildi.



AQL YOSHDA EMAS

"Aql yoshda emas, bosha" deyishadi. Ma'lum bo'lishicha, o'z qobiliyatini juda yoshligidan namoyon eta bilib, dunyo bo'yicha eng yosh talaba rekordini o'rnatgan inson Uilyam Tomson (1824-1907)dir. Uilyam Gafzgo universitetiga talabolar sifatiga qabul qilinganida to'balog'g'i 10 yosh 4 oylik bolakay bo'lgan ekan.

SO'NGGI
UCH KUN
MUJ DALARI

SEMINAR

O'zbekiston yer resurslari davlat qo'mitasida davlat yer kadastrini yuritish texnologiyalarini takomillashtirish va monitoringini tashkil etishga bag'ishlangan ilmiy-amaliy seminar ish boshladi.

TUSHUNTIRISH MAQSADIDA

Respublika "Ma'naviyat va ma'rifat" markazida Ma'naviyat va ma'rifat kengashi va Huquqiy ma'rifat targ'iboti markazi hamkorligida ikkinchi chaqiriq Oliy Majlisning sakkizinchi sessiyasida qabul qilingan "Referendum yakunlari hamda davlat hokimiyati tashkil etilishining asosiy prinsiplari to'g'risida" gi Konstitutsiyaviy qonunning mohiyatini, uning qonunchilikdagi ahamiyatini keng jamoatchilik o'rtaida tushuntirish maqsadida ilmiy-amaliy seminar o'tkazildi.

ЁШ КЎНГИЛЛАР ИЗҶОРИ

(Давоми.
Боши 1-бетда)**1-ўрин.** Тошкент шаҳар қўшимча таълим мажмуаси қошидаги "Севинч" вокал чогу ансамбли.**2-ўрин.** Самарқанд, Пастдарғом, Темирйўл тумани бирлашган вокал чогу ансамбли.Темур Фуломов — Гулистон шаҳридаги Хоржий тиллар лицейи ўқувчиси.
Хумора Хужамкулова — Янгиқўрғон туманидаги 33-мактаб ўқувчиси.**3-ўрин.** Урганч шаҳридаги 24-санъат гимназияси фольклор ансамбли.
Ғижувон туманидаги 56-мактаб ашула ва ракс ансамбли.**Рағбатланттирувчи мукофотлар:**
Алижон Ражабов — Қизилтепа туманидаги 31-мактаб ўқувчиси.
Нафосат Курбонова, Мақсуд Чориев, Курбонали Солипов — Термиз шаҳридаги 93-56-мактаб ўқувчилари.
Дилшод Иўлдошев, Хабибулла Қодиров — Ёзёвон туманидаги 1-, 13-мактаб ўқувчилари.**Халқ таълими вазирлиги фахрий ёрлиги:**
Элнора Калисбаева — Чимбой туманидаги 37-мактаб ўқувчиси.

сабзликлар ўртасида қизиқш ниҳоятда кучли бўлди. Хатто, тайғарлик жараёнини ҳам келиб кузатиб, томоша қилаётганлар орасида көксаларни, ёшларни учраттиш мүмкин эди.

Бир мисол Амир Темур майдонида репетиция кетаётган, барча вилот вакиллари навбатма-навбат ўз чиқишларини маш қилаётган пайтда майдон яқинида газ сув сотиб ўтирган йигит мени саволга тутди:
— Ака, сиз ҳам қўшимча байрами иштирокчисиниз?
— Шундай десам ҳам бўлади, мухбирман.
— Хоразмликлар қачон чиқишар экан?**"Амир Темур руҳи қўлласин"**

Фестивал ниҳоятда байрам иштирокчиларидан бир ғуруҳи дил сўзларини баён этдилар.

Светлана Фуломова, Сирдарё вилоти ХТБ бошлиғи:
— Ушбу тадбирнинг амалий аҳамияти жуда катта. Болалар бирга юриб бирга қўйлаб дўстлашдилар. Биргаликда ўз санъатларини намойиш этдилар. Энди улар хатлар ёзишиб, ўзаро алоқаларни йўлга қўйишади. Яқинда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" да ҳам худди шундай бўлган эди.
Жомурод Жиловлов, Қашқадарё вилоти ХТБ бошлиғи муовини:
— Ешларимизни Амир Темур бобомиз руҳи қўлласин. Улар ичидан Ватанимиз довуруғини дунёга ёядиган инсонлар етишиб чиқишига ишонаман.Дурдидой Каримов, Урганч шаҳридаги 24-санъат гимназияси фольклор жамоаси бадий раҳбари:
— Бугунги байрамдаги энг ёш иштирокчи Оллоберган Шерматов 1-синф ўқувчиси. Келажақда унинг Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуровдек санъаткор бўлиб етишишини тилаймиз.Малоҳат Маматкулова, Бойсун туманидаги 39-мактаб раҳбари:
— 23-28 май кунлари Бойсунда ЮНЕСКО тadbирлари доирасида "Бойсун баҳори" бунтулҳон фольклор фестивали бўлиб ўтди. Унда мактабимизнинг "Гулгўна" ансамбли ҳам иштирок этади. Барча санъатсеварларни Бойсунга таклиф қиламан.

Хусан НИШОНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Суратларда: Қўшиқ байрамидан лавҳалар.

Бурхон РИЗО олган суратлар.



4 май куни фестивал бўлиб ўтди. Қўшиқ байрами катнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев, Қашқадарё вилоти ҳокими ўринбосари Назар Ҳакимов, "Нуроний" жамғармаси Шахрисабз тумани бўлими раиси Боқижон Эргашевлар муборакбод этдилар ҳамда голиб жамоа ва ўқувчиларга вазирилик, вилоти ҳокимлиги, жамғарманин эсдалик совғалари фахрий ёрликларини топширдилар.

Санъатсевар шаҳрисабзликлар

"Ўзбекистон — Ватаним маним" курик-танлови дастуридида якуний фестивал — қўшиқ байрамига шаҳри-

"ТОПГАНИМНИ МАҚТАБГА БЕРАМАН"

олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Вилот протуратураси 9-мактабининг 4-А" синфини оқитишда олиди.

Қушрабодта 84 та мактаб, 15 та мактабгача таълим муассасаси, биттадан тил ургатиш, ёш техниклар марказлари, болалар ва усмирлар ижодиёти уйи фаолият курсатмоқда. Мактабларнинг 79 таси мослаштирилган бинада жойлашган. 5 та мактабда спорт зали мавжуд. Аксарият мактаблар ўз муддатини утаб бўлган. Мактабларнинг моддий неғизи ҳам ноҳар. Туман буйича 760 та парта, 233 та стол, 395 та китоб жовони, 245 дона синф доскаси етишмайди. Бундан ташқари мактабларда математика, биология, она тили ва хорижий тиллар буйича 59 нафар ўқитувчи етишмайди.

Йилгилида мана шу камчиликларга барҳам бериш йўллари курсатиб ўтди. Етишмаётган педагоглар уринини айни пайтда нафақадан бўлган тажрибали муаллимлар билан туздириш мақсадида 445 нафар нафақадан бўлган ўқитувчининг 91 нафарини мактабга қайтаришга келишилди.

Шунингдек, йилгилида кун тартибидан иккинчи масала ҳам муҳокама қилинди. Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва воғта етмаганлар билан ишлаш мақсадида мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини кучайтириш, синфдан ташқари ишлар, спорт мусобақаларини яхши йўлга қўйиш хақида фикрлашди.

Мактаблар билан жамоатчилик ташкилотларининг доимий

ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида тумандаги 10-мактабининг 4-синфи вилот ҳокимлиги синфи деб эълон қилинди. Энди бу синф ўқувчилари ҳам ҳокимлик томонидан мактаб формалари, дарслик ва компьютер синфи билан таъминланган бўлди. Туман мактаблари орасида таъбиркорлик ишларини йўлга қўйган 26-мактаб ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида Зарминат олтин қонига қарашли буюмлардан мактабга музей ташкил қилган. Ингилишида тарих музейини таъмирлаш ва экспонатлар билан бойитиш, ўқув қуроллари сотиб олиш мақсадида тегишли ташкилотлар ҳисобидан 1 миллион сўм маблаг ажратилди.

Хуллас, ўқувчи тақдирига дахлдор бўлган ҳар бир муаммага йилгилида алоҳида эътибор берилди. Хатто ўқитувчи педагоглар меҳнатини рағбатлантириш ва соғлигини тиклаш, унинг қадрини ошириш масаласи ҳам четда қолмади.

Йилгили сунгида илгор ва ташаббускор ўқитувчилар кимматбодо совғалар, фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Алоҳи ва иқтидорли ўқувчиларга совғалар берилди.

Вилот таълим муассасаларида алоҳи ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган "Отан билан эмас, болан билан фахлан" ва "Алоҳи ва одоли бола мамлакат фахри" курик-танловларининг Низоми тасдиқланди.

Қушрабод туман халқ таълими бўлими эса "Тиксо" русумли бизнит машинаси ажратилди.

Қушрабодта ўтказилган мактаблар кунига ҳақида шунинг тақдирларига қисқа вақт ичда мазкур туманда бир неча йиллардан бери бажариладиган ишлар аалга оширилди. Қолаверса, катта ишларга бел боғланди. Бу ёти кушрабодликларнинг узларига боғлиқ.

Н.ШЕРБОЕВА

БИТИРУВЧИ ҚОЛДИРГАН ЭСДАЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ассалом алайкум, азиз тенгдошлар! Биз бу йил мактабин тамомлаб, мустакил ҳаётга қадам қўймоқдамиз. Бу кунлар биз учун ниҳоятда ҳаяжонли ва қувончли. Бу қувонч шундан иборатки, биз юртимиз ўз мустакиллигини қўлга киритган дастлабки йилгилик мактаб остонасини хатлаган эдик. Мана, мамлакатимиз ўз озодлигини эълон қилганлигига ҳам 11 йил тўлди. Биз ҳам айни йилда мактабнинг 11-синфини тамомлаш арафасидамиз. Шу боис ҳам биз мустакил Ватанингни дастлабки мева-

ри, биринчи қалдирғочларимиз, десак муболага бўлмайди. Эеро, биз озод юртда камол топдик, ақлимизни таъдиқ қилдик. Утган йиллар мобайнида давлатимиз асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Уни бугун бутун жаҳон тан олди. Шу боис ҳам биз бунга муносиб бўлмоғимиз лозим.

Мактаб қадрдон гўша. Биз 11 йил давомида ўша гўшада униб-усдиқ, таълим-тарбия олдик. Айни сабаб боис, биз ўз синфимизни ўз кучимиз, меҳнатимиз билан сифатли таъмирлаб, синфномани кейинги укаларимизга эсдалик сифатида совға қилиб қолдиришга аҳд қилдик. Бу

ташаббусимизни мактабимиздаги бошқа битирувчи синф ўқувчиларини ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз 2002 йил мактабин битираётган республикамиздаги барча тенгдошларимизни ҳам ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашга қақирамиз. Токи биздан қироили жихозланган синфномаси мактабимизга эсдалик бўлиб қолсин.

Феруза ТУРСУНОВА, Икромдон ОТАБОВЕВ, Уйи туманидаги 18-мактабин битирувчи синф ўқувчилари

Tashabbus

БИТИРУВЧИЛАР ТАШАББУССИ ЎҚИТУВЧИЛАР ҚАЛБИНИ ҚАЛҚИТДИ

Хар йили умумий ўрта таълим мактабларини битираётган йигит-қизлар битирувчи оқшомларини ўзига хос тарзда нишонлашга ҳаракат қиладилар. Айни кунларда қўлгани мактабларда бунга тараддул ҳам бошлаб юборилган. Тўғри, ушбу кечани "антика" тарзда ўзгача дабдаба ва ўйин-кулгулар билан нишонлаш таклифини илгари сураётган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Бироқ, қувончлини шундаки, утган йили Бухоро вилотининг Пешку туманидаги битирувчи синф ўқувчиларининг мактабдош укаларининг кўпрок илм олишларини истаб, мактаб кутубхонасига ўз дастхатлари битилган китобларни топширишлари каби эътиборли ташаббусидан ибрат олган ўқувчилар ҳам қўпчиликини ташкил этмоқдаки, улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ўзлари тахсил олган синфномаларини сифатли таъмирлаб бериш вазифаларини ўз буйинларига олиб, ташаббус билан чимқоқдалар. Бу, албатта, ўқувчиларимизнинг теран билим, ақл-иҳроқ эгалари бўлиб камол топаётганиларидан дарак.

Яқинда мактабимизда 9-синф ўқувчиларининг якуний аттестациясига тайёргарлиги борасидаги умумий йилгилик ўтказилди. Эътибор этиш керакки, қўтарилган масала юзасидан ўзаро фикр алмашиб олинган, битирувчи синф ўқувчиларимизнинг шунча йил тахсил олган севимли мактабларига совға сифатида бир неча синф хоналарини ўз имкониятларидан келиб чиқиб, сифатли таъмирлаб беришлари тўғрисидаги ташаббуслари биз ўқитувчиларни севинтириб юборди. Эеро, ўзидан кейинги авлодга муносиб мерос қолдириш ота-боболаримиздан ўтиб келаётган азаллий одат. Бу каби анъананин мактабда бошланганлиги эса мактабнинг

ўқитувчию ўқувчилари ўртасидаги илиқлик, битирувчи синф ўқувчиларининг укаларига бўлган меҳридан далоят десак, хато қилмаган бўлаемиз.

Йилгилида мактабнинг 9-синф ўқувчиси Рўзижон Мўминова сўзга чиқиб, ўз синфдошларининг тенгқурларига мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Мурожаатномада жулмалан шундай дейилди: "Хурматли синфдошлар! Биз бу йил 9-синфнинг битирувчиларимиз. Тўққиз йил давомида шу мактабда таълим ва тарбия олдик. Хозирда катта ҳаёт остонасига турибимиз. Давлатимизнинг бизга курсатаётган гамхўрликларига жавобан биз келажақда Ватанга содиқ фарзандлар бўлиб етишмоғимиз лозим. Ватанга садоқат эса мактаб остонасидан бошланади. Мен бугун сизларни ўзимиз таълим олаётган мактабнинг физика фани ўқув хонасини сифатли, қўқкам ва талабалар даражасида таъмирлаб, ўзимиздан кейинги мактабдош укаларимизга совға қилиб топширишимизни сўрадим. Уйлаимки, бошқа тенгдошларимиз ҳам бу борада бизга ҳаммадан, ҳамнафас бўлишади".

Ушбу мурожаатноманин ўқувчилар томонидан бир овоздан қабул қилиниши биз ўқитувчиларнинг ҳам қалбларини қалқитди. Эотан, ушбу ташаббуснинг аҳамияти катта. У ўқувчилар ўртасида ўзаро дўстлик, меҳроқибат туйғуларини шакллантириши билан бир қаторда ўқувчиларда мактабга муносибат, уни кўз қорачиғидай асраш каби эзгу ҳислатларини ҳам тарбиялайди.

3.ФАЗЛИДДИНОВА,
Тошлоқ туманидаги 4-мактаб директори

ТАХРИРИЯТДАН: Албатта, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Уйчи ва Тошлоқ тумани битирувчи синф ўқувчиларининг бошланган ташаббуслари таҳсинга молик. Агар эътибор берадиган бўлсак, ушбу ташаббус замирида доғнашманд халқимизнинг авлодларга яхши наби билан боғ яратиб қолдириш аъналари, Юртбошимизнинг эса шундан келиб чиқиб, "Биздан озод ва обод Ватан қолсин!" шiori билан юртимизни гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш каби қақирликларига ёшлашимизнинг жавоби тарикасида янраётганлигига амин бўлаемиз. Бугунги кунда ушбу ташаббусни қўллаб Тошкент вилоти Паркент туманидаги 15-мактабининг 92 нафар, Бахмал туманидаги 45-мактабининг 32 нафар, шунингдек, Андижон шаҳридаги 2-гимназия мактабининг 56 нафар битирувчи синф ўқувчилари томонидан тахририятимизга йўлланган хатлари бизни ҳам қувонтирмоқда. Бухоро шаҳридаги тарих фанига ихтисослашган 6-ўрта мактабдаги каби 8-А" синф ўқувчиларининг ҳам акаларига бу йўлда елқадшо бўлаётганликлари мазкур тадбирнинг нақадар қўлани кенгаётганлигидан дарак беради.

САРАЛАРНИ САРАЛАШ БОСҚИЧИ

ОЛИМПИАДА ҲАҚИДА СЎЗ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик 2000 йилнинг ноябрь ойидаги ўз ҳайъат йилгилида "2001-2004 йилларда республика талабалар олимпиадаси Низомини"ни ишлаб чиқиб тасдиқлаган эди. Бунга қўра, талабалар олимпиадасини ҳар йили 2 йўналишда яъни ижтимоий гуманитар, табиий, умуммутахассислик фанларидан ўтказиш белгиланган.

Олимпиадани ўтказишдан мақсад нима?
Бунинг замирида ҳам юрт истиқболли билан боғлиқ устувор вазифалар ётибди. Таълим соҳасида бир қанча инновацион фаолиятлар кўзга ташланмоқда. Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва улар билан ишлаш борасидаги фаолият шулардан биридир. Республика талабалар олимпиадаси, шу жиҳатдан олганда муҳим аҳамиятга эгадир.

ИШТИРОК ЭТИШ БАХТИ

Олимпиадада кимлар иштирок этади?
Бунинг билан шартли, иқтидор. Хар бир олий ўқув юртида бўлиб ўтган ички танловларда истеъодли талабалар иштирок этишган. Биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган йигит-қизлар республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганлар.

Хусусан, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидан бўлиб ўтган хорижий тиллар буйича олимпиадага 19 та олий ўқув юртининг ҳар биридан 3 киши иштирок этиш баҳтига муяссар бўлиши. Инглиз, немис, француз тилларини ўрганишда тенгдошларидан анчайин ўзиб кетган бу талабаларга олимпиада бир мактаб вазифасини ўтади. Танишиш, кузатиш ва суҳбатлашиш жараёнида улар бир-бирларидан ўрганиши, билишиди. Энг муҳими, нуфузли мусобақада иштирок этишининг ўзи уларнинг кўнгилидаги олий ният бўлса, ажаб эмас.

ҚОЗОНДА БОРИ ЧЎМИЧГА ЧИҚАДИ

Ха, бу рамзий маънодаги бор гап. Жаҳон тиллари университетига тўпланган ёшларнинг қай даражада билимга эга эканлиги тўпланган балларига акс этиб борди. Топшириқлар хилма-хил эди. Уларнинг муштарак жиҳати ҳам йўқ эмасди яъни, бу топшириқлар инглиз, француз, немис тилларида бажарилиши керак.

Маълум мавзу буйича суҳбатда иштирокчи АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Ўзбекистоннинг давлат тизимини, иқтисодиёти, санъати, буюк ҳайратини, ёшлар ҳаёти ва шулар ҳақида маълумот бериши керак. Маълум мавзудаги нутқ мазмунини уч дақиқа давомида магнит тасмасига ёзиш, бадий фильмдан парчани 10-12 дақиқа мобайнида қўриш ва ёзма равишда баён этиш, 60 та саволдан ташкил толган тест топшириқларини компьютерда бажариш, ўзбекча ёки русча матни чет тилига синхрон таржима қилиш.

2,3,4 май кунлари белгиланган жадвалга мувофиқ, юқоридаги топшириқлар инглиз, немис, француз тили гуруҳларида бажарилди. Топшириқларнинг бажариллиш вақти 3 дақиқадан 90 дақиқачага, баллар эса 15 дан 30 рақамга қадар белгиланган эди. Кимдир 5



дақиқада бажарган топшириқни бошқаси 10 дақиқада ниҳоясига етказди. Иқтидорли дея ўз олий ўқув юртида тан олинган талабалар бу ерда яна бир бор сараланди.

Олимпиада иштирокчиларининг ўзларидан фикр тинглаш лозим туйилди.

Искандар САТТИБОВЕВ, Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг инглиз филологияси факультетининг 3-курс талабаси:

— Умумжамоа ҳисобида 3 май кунига турларда 73 балл тўллашга муваффақ бўлдик. Биринчиси, фильм асосида иншо ёзиш. Аникрофи, АҚШнинг Монтана штати ҳақида ёзма матн тайёрлаш. Бирор мавзуда суҳбат, уч дақиқалиқ. Натижалардан умидимиз катта.

Абдувоҳид ДИЛМАНОВ — ЎзДЖТУ таржимонлик факультетининг 3-курс талабаси:
— Роман-герман тилларида мансуб немис тили беллашуварига иккинчи бор иштирок этишим. 27 нафар иштирокчидан бири сифатида шунинг эътибор этишим мумкинки, йил сайин олимпиада қизқарли, баҳсли тус олараяпти. Синхрон таржиманда Германия ва Ўзбекистон давлатлари иқтисодиёти, санъати, буюк сиймолари ҳақидаги нутқни тинглаб, унинг таржимасини аудиотас-

мага туширишимиз керак эди. Кейинги тур эшиттирилган матни немисчада гапириб бериш. Қай даражада билимга эга эканлигимиз ўзимизга аён эмас.

Абдувоҳид шу ўринда ҳақ, Турли олий ўқув юртларидан, турли муҳит ва турли шaroитларда хорижий тилларни ўрганаётган талабаларнинг билим даражалари ҳам табиийки, ҳар хил. Ва шуниси ҳам борки, улар фахрли ўринларни эгаллашга даъвогар. Орезага эса айб йўқ...

Olimpiada

ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИДА ХОРИЖИДА МУТАХАССИСЛАР

Ҳакамлар ҳайъати одил, ҳолис, низолар вужудга келганда, оқилона иш тутуви қилишлардан тузилмоғи керак. Фолиблик ҳар томонлама муносиб ёшларнинг танланиши учун олимпиада ташкилий қўмитаси ҳакамлар ҳайъати таркибига хорижий мутахассислардан бир нечасини жалб қилди. Бунда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналарига мурожаат этилди. Шундай қилиб, элчихоналар турли халқаро ташкилотлардан 16 кишини ҳакамлар ҳайъати аъзолигига тавсия этишиди.

Жан Клод БОЖАН — Бельгия элчихонасининг вакили биз билан суҳбатда шундай дейди:

— Француз тили йўналишида биринчи ва иккинчи шартлар буйича 24 нафар талаба иштирок этишди. Биринчи тур шартларда талабалар ўлкашунослик оид саволларга жавобни қўмоқчи юрса акс эттиришди. Кейинги турда эса рус ва ўзбек тилларидаги матнларнинг француз тилига таржима қилишиди. Менинг хулосам шундайки, талабалар жуда пухта ва мустақкам билимга эга. Менимча, уларнинг ҳар бири қайсидир маънода фолиблик муносиб.

— Бу қадар катта тайёргарлик билан ўтган беллашув ақин йилларда бўлмаган. Турли вилотлардан келган меҳмонларга профилаторийдан жой тайёрланди. Тушлик оват бепул, университет ҳисобидан. Бундан ташқари, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига саяхатлар уюштирилди. — дейди олимпиада ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари Маннопжон Нишонов.

— Олимпиада нафақат талабаларга, балки ўқитувчиларга ҳам бир мактабдир. Ёшларнинг хорижий тилларга қизиқиши ортади. Ўқитувчи мураббийлар эса бир-бирларининг таржибаларини ўрганадилар. Утган йилги олимпиадаларга ЎЗМУ, СамДЧТИ, ЎзДЖТУ ҳам умумжамоа, ҳам шахсий биринчиликлари фолибликни қўлга киритишган эди. — деб таъкидлайди ҳакамлар ҳайъати раиси Аббос Ирисқуллов.

СОВРИНДОРЛАР

Фолиб бўлишни ҳамма истамайди. Аммо у саноқли кишиларгагина насиб қилади.

4-май, шанба, соат 16.00 Олимпиаданингни ёпилиш ва фолибларни эълон қилиш маросими. Кимлар фолиб бўларкин, вазириликнинг биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги дипломлари, магистратурага давлат гранти асосида қабул қилиниши, хомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари, қўтловлар, олқишлар. Ахир бунини ким истамайди?
Шундай қилиб, сараларни саралаш босқичидаги фолиблар рўйхати эълон қилинди. Шахсий биринчиликда инглиз тили буйича биринчи ўрин

соҳиблари сифатида ЎзДЖТУ талабаси Юлия Азгарова, иккинчи ўрин СамДЧТИ талабаси Ольга Пуставалова, учинчи ўрин Санжар Ражабов (ТДПУ), Кан Анжела (ЎзДЖТУ) (71.5 балллар тан олиниб, мазкур университет томонидан ажратилган рангли телевизор, видео магнитофон ва аудио магнитофон билан тақдирланди. Немис тили буйича эса ЎзДЖТУ талабаси Камил Клебуев (80 б), СамДЧТИ талабаси Юлия Кривенкова (77.5 б), ЎзДЖТУдан Алишер Сулаймонов (75 б) голиб бўлди. Ниҳоят, француз тили буйича ҳам фахрли ўринлар ЎзДЖТУ талабалари Татьяна Литовченко, Малика Дадобеова, Барҳайт Мирпўлатовларга насиб қилди. Уларга ҳам инглиз тили голиблари сингарни худди шу хилдаги совғиларни топширилди.

Умумжамоа ҳисобида голиб чиққан олий ўқув юртлари қаторида ЎзДЖТУ, АндДТИ, СамДЧТИ, ЎЗМУ, БухДУ, ФарДУ, ТВГИлар бор.
...Муҳими, фолибларни топиш эмас, балки ёшларни, уларнинг устозларини бир юйга йиғиш, тил ўрганишдаги тажрибаларни ўртоқлашиш эди. Вақт келади, олимпиада иштирокчиси устоз даражасига эришиб, ўз шоғирларини шундай мусобақада олиб келади ва бу кунларни ҳаёл кўзгусидан ўтказмайди.Хулқар ТҮЙМАНОВА,
Жамшид ШАРИПОВ,
"Маърифат" мухбирлари

Суратларда: олимпиада лавҳалари акс этган.



Хатто Кўконга кираверишда "ватанпарвар" ишлар машъалани махсус машинага олмақчи бўлганларида, шаҳар хокимининг ўзи машъалани баланд кўтариб, спортчи йиғини-кўчалар томон юзургиб кетганини кўриб, бу йиғинларини халқимиз ушбу аҳамиятти нақадар юксаклигида яна бир қарра амин бўлдим.

Дарвоқе, шу кун 25 минг кишилик йиғингоҳ одамлар билан тўлиб, шафрос эмири ёниб турган бўлса-да, ҳатт ким ажойиб тантанани ташлаб, ушунга кетганини хоҳламасди.



БУ КУНЛАРНИ БИР УМР ЭСЛАБ ЮРАМИЗ

Мамлакатимизда илк марта ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт уйинлари машъаласининг Паркентда Куёш нури ила ёқиблиб, Тошкент, Наманган вилоятлари худудидан ўтиб, гўзал Фарғонага тантанали равишда етказилганига хусусида кўп бора сўзладик. Бугун эса ушбу жараён қалбимизда бир умрга муҳрланиб қолган айрим жихатларга тўхталмоқчи жойиз деб билдик.

Инсон ҳаётида унутилмас кунлар, унутилмас лаҳзалар жуда кўп бўлади. Шундай дамлар бўладими, унинг ҳаяжони, қувончи бир умр юрагида қолади. Энг юксак технологиялар асосида Паркентдаги "Физика-куёш" илмий ишлаб чиқариш марказида "Умид ниҳоллари" спорт уйинлари машъаласини куёш нурларидан алағна олдирилиши ҳам бевосита бу жараёни гувоҳи бўлган миллионлаб одамлар, ёшлар қалбида бир умр муҳрланиб қолди десак муболаға бўлмайди.

Таъбир жўиз бўлса, Фарғонада бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт уйинларининг юраги шу ерда ура бошлади. Уйинлар машъаласини ёқиш миллионлаб мамлакатимиз ёшлари ичидан тўрт нафар ўспиринга насиб этди. Булар — Байдаркада эшқак эшиш спорти бўйича Осие ва жаҳон чемпиони Надежда Пищулина, эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Шерзод Худойберганоф, Константин Влахолюпос ҳамда самбо бўйича жаҳон чемпиони Марина Қодировалардир.

— Биз бу кунни ҳеч қачон унутолмасак керак, — дейди Надежда билан Марина — ҳаяжонини ичига сиғдираолмай, — биз

МАШЪАЛА — ҲОКИМ ҚҮЛИДА

Ўзбекистон Мудофаасига Кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотига юксак ишонч билдирилиб, машъала ва олов саклаш қирилмасини тайёрлаш ҳамда уни "Физика — Куёш" илмий ишлаб чиқариш марказида ёндириш ва Тошкент, Наманган вилоятлари орқали Фарғонага етказиш вазифаси юклатилганидан хабарингиз бор.

Ушбу машъаланинг манзилга етиб бориши жараёнининг ўзи бир дунё унутилмас воқеаларга бой бўлди. — Машъалани кўтиб олиб кузатиб қўйишган одамларнинг кўзлари чакнаб, диллари севинчу хурсандчилигига тўлганининг гувоҳи бўлдик, — дейди ушбу ташкилот раисининг ўринбосари, республика техник ва амалий спорт турлари маркази бош директори Шарифов Мўминжон. — Ҳар бир қишлоқ, туману шаҳар кўчаларига кириб борар эканмиз, қўлимиздаги машъала билан одамлар ҳаётига бир олам қувонч, бахт олиб киргандек ҳис қилдик. Гарчи машъала ёндирилган кун эмири ёниб турса ҳамки, ҳатто Қамчиқ доволондан ўтишда беғубор оппоқ қорнинг учқунлаши, Кўконга кираверишда эса қаттиқ шамолга ҳам бардош бериб, мусобақалар машъаласининг ўз манзилга етиб бориши ҳамда табиатнинг ана шундай минг бир инжиқликларига эътибор ҳам бермай бизни интизорлик билан кузатиб қолаётган ёшларга қараб ўзига хос рамзий маъно кўрдим. Бу — оловқалб мамлакатимиз ёшларининг ўзи Ватанига бўлган чексиз муҳаббати, салохияти юксаклиги нишонасидир.

Машъала олиб ўтилган кўчаларимизда одамлар сиймай кетди. Хатто Кўконга кираверишда "ватанпарвар"чилар машъалани махсус машинага олмақчи бўлганларида, шаҳар хокимининг ўзи машъалани баланд кўтариб, спортчи йиғини кўчалар томон юзургиб кетганини кўриб, бу йиғинларнинг халқимиз учун аҳамияти нақадар юксаклигига яна бир қарра амин бўлдим.



БАҲОР ЁМҒИРИ БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШДИ ГҮЁ...

Кўнгли ёруғ орзуларга тўла беғубор болалар ҳамиша, ҳар бир ҳаракатдан ўзгача завқ ва шодлик ахтаради. Фарғонада ўтказилган финал баҳслари жараёнида ҳаво очик бўлиб, қуёш чарақлаб турди. Фақат 30 апрель кун тушдан сўнггина осмонни булутлар эгаллади. Ва кечки соат 17 ларга яқин аста ёмғир шивалай бошлади. Гарчи, тантанали ёпилиш маросими 19.00га режалаштирилган эса-да, уни томоша қилиш учун Фарғона шаҳрининг марказий йиғингоҳига келаятганлар оқими тўхтамасди. Мазъул кишилар бемаврид ёққан ёмғирда ёшларнинг шамоллаб қолишидан ҳавотирга тушган бўлсалар, аксинча, болажонлар ёмғир остида қийқиришиб ўёққа, бу ёққа чопиб юришарди. Ҳатто 5-6 ёшли бир қизалоқ онаси тутган соябон остидан чиқиб: **Ёмғир ёғалоқ...**

— дея ғришлаб қўшиқ айтарди. Атрофга назар ташласангиз бошқа болажонлар ҳам ёмғир ёққанидан хурсанд эдилар. Дарвоқе, шу кун 25 минг кишилик йиғингоҳ одамлар билан тўлиб, майдалаб ёмғир ёниб турган бўлса-да, ҳеч ким ажойиб тантанани ташлаб, уйига кетишни хоҳламасди.

Боғия қизча гүё бутун йиғингоҳдаги болаларнинг қувноқ кайфиятларини ифодалагандай ҳамон ирғишлаб қўшиқ айтарди: **Ёмғир ёғалоқ, ям-яшил ўтлоқ...**

Фарзандга меҳр-муҳаббат ўзбекларга хос улғу фазилат. Ҳамиша неки тотли неъмат топса, аввало фарзандига улашади, ўзи емай жигарбандига едиради. "Умид ниҳоллари" спорт уйинлари жараёнида ана шу ўзбекона меҳр яна бир бор ўзини кўрсатди. Футбол мусобақалари бўлиб ўтаётган кун юзлаб ёш ишқибозлар, иштирокчилар, хакамлар майдонга бир то-

эса беихтиёр кўзлари ёшланди.

— Олинглар болаларим, олинглар. Узим етиштирганман. Атайлаб сизларга олиб келдим. Бугунча қулупнайни еб туринглар, худо хоҳласа эртага келинимга айтиб бир тандир сомса ёптириб келаман. Невараларим ҳам сизларга ўхшасин, асло кам бўлманглар, ҳамиша юзингларни иссиқ қилсин, — дея дуо қилди.

СТАДИОНДА ҚУЛУПНАЙ ТАРҚАТГАН ОТАХОН

гори қулупнай кўтариб кирган отахонни кўришганида аввало бироз ҳайрат билан тикилиб туришди. Сўнгра болаларга қулупнай улашайтган отахоннинг меҳр тўла сийми сўзларини эшитиб, кўплар ҳаяжонга тушибди. Кимдир "раҳмат, отахон", яна кимдир "овора бўлибсиз-да, ота", дея миннатдорчилик билдирди. Бу воқеани кетда кузатиб турган катталардан бирининг

Сухбатлашсақ Карим отанинг беш нафар фарзандлари бор экан. Уларни 75 ёшда бўлсалар ҳам хали бакуват эканлар. —

Алқисса, отахону онахонларимиз ҳам бу тадбирдан кетмада туришмади. Уларнинг эзгу амаллари билан ўрнак бўлишди. Энг асосийси, ҳамиша дуода бўлишди. Қариюрлар дуоси эса ижобат бўлгусидур.



"Умид ниҳоллари" спорт уйинлари тантанали очилишида мамлакатимиз ёшларини овоз Ватанимиз байроғи остида ҳам бўлиб, буюк мақсад сари интилишга қорлаган эзгу даъват айна кунда нафақат мусобақа иштирокчилари, балки бутун халқимиз қалбида акс-сало бермоқда. Давлатимиз байроғи тантана қатнашчилари кучи билан "Фарғона" марказий стадиони узра кенг ёйлиб, тулкинландиридан юраклари ҳайқи-

ишонч ила катта масъулият юклаганини теран ҳис қилдик. Марғилон ипакчилик фабрикасида 3.800 метр газлама олиб келинди. Байроқ тикиш жараёнига 14 нафар тикувчи қизларимиз жалб қилиниб, улар кечаю кундуз демай, 3 кун ичида олдидаги шарафли вазифаларни бажаришди.

"Умид ниҳоллари" уйинларининг тантанали очилиш маросимини телевидение орқали кўриб, жуда ҳам ҳаяжонланиб кетдим. Очиги, экран

КҮЗЛАРИМДА ЁШ ҚАЛҚИДИ

риб, қалбларини ифтихор ва фахр туйғулари тўдирмаган киши бўлмас керак. "Умид ниҳоллари" утаётган кунлар давомида ана шу байроқни яратишга бевосита алоқадор бўлган инсон билан суҳбатлашиш имкони пайдо бўлди. — Мусобақалар бошлангичта 3-4 кун қолганида, бизга ташкилотчилар томонидан байроқ тайёрлаш ҳақида таклиф тушди, — дейди Фарғона шаҳридаги "Моҳитул" хусусий тикувчилик фирмаси раҳбари Мукаррамхон Юсупова. — Стадион узра кенг ёйиладиган Ватанимиз байроғини яратиш оқидий бир буюртма эмаслиги, бу бизга юксак

орқали ўз меҳнатимизнинг чиройли акс этганини кўриб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Қизларимиз билан қулумиздан шу иш келганини ниҳоятда фахрланиб кетдик. Биз тиккан Ватанимиз байроғининг стадион узра тулкинландириб туриши ҳар биримизга Ўзбекистоннинг келажиги, равнақи ишончи қулларда эканлигини англатиб турди, гүё. Стадиондаги ёшларнинг бир байроқ остига йиғилиши, жипслашувида жудаям катта маънони англадим. Қасбим ила мен ҳам бунга кичкинагина ҳиссамни қўшимдан узимни бахтиёр сездим.

ЧИЛОНЗОРЛИК 27 НАФАР ҲАР ҚИЛЧИНИНГ 26 ТА ОЛТИН МЕДАЛИ

Ушбу йилларда Тошкент шаҳри ўқувчиларининг терма жамоаси 1-урини эгаллади. Шу боис улар Президентимизнинг кўча бош соврини — "Умид ниҳоллари" спорт уйинлари илк қатнашчиларига йўллаган табригининг асл нуҳаси ҳамда "Дамас" автомобили ва 1-даражали диплом билан тақдирланганидан хабарингиз бор.

Пойтахт иштирокчилари жами 169 та медаллар шодасини қўлга киритишган бўлса, шулардан 90 таси олтиндир. Шаҳар жамоаси таркибида энг яхши натижа кўрсатган Чилонзор туманининг 27 нафар вакили 35 та медал олишга сазовор бўлдилар. Шулардан 26 таси олтин медалдир. Шу рақамларнинг ўзига Чилонзор тумани мактабларида спортни оммалаштириш, ўқувчиларнинг унга бўлган муносабатларини шакллантириш яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Жамоа ичида энг яхши натижа кўрсатган ўқувчилардан 217-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Мария Булгакова спортнинг сузуи туридан 4 та олтин медал, 168-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Данил Попов енгил атлетикадан 3 та олтин медал, шу турдан 101-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Екатерина Пахоменко 1 та олтин ва 1 та бронза медалларини қўлга киритди.

ХАЙР, БИЗ АЛБАТТА ЯНА КҮРИШАМИЗ

Ва ниҳоят "Умид ниҳоллари" спорт уйинлари ҳам ёниб қолди. Дастлабки кунлар бир оз ётсириб турган йиғинчилар ўтган кўнлар давомида шу қадар дўстлашиб, инолашиб кетишдики, уларнинг хайрлашиш оиларини беҳаяжон кузатиб туролмадик. Фарғонадан автобусларга чиқиб Андижону, Наманганга отланган, Марғилондан поездга чиқаятган ёшларнинг бир-бирларига қўл силкиб, лабда та-бассуум, кўзда ёш билан хайрлашаётганликларини кўриб уларни биллаштирган "Умид ниҳоллари"га, дўстлик манзили бўлган Фарғонага қайта ва қайта раҳматлар айтдик.

— Хайр, биз албатта учрашамиз! Бу минглаб ёшлар юрагининг сандоси эди гүё... Ҳа, улар албатта учрашади. Улар усиб, улғайиб борар эканлар "Юртбошимиз" томонидан яратилган бу ноб ётган орқали нафақат "Умид ниҳоллари", балки "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт уйинлари давомида яна учрашади. Беллашади, бахшлашади, дўстлашади. Ҳа, улар албатта учрашади. Улар Ўзбекистоннинг зафарли йўлларда, музаффар, умидли авлод, буюк келажак бунёдкорлари сифатида албатта учрашадилар. Уларни ёруғ масадалар учраштириди, уларни эзгу ниятлар биллаштириди.



Мана, ниҳоят Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унга мувофиқ яратилган узлуксиз таълим-оммавий спортни ривожлантиришнинг уч бўғиндан иборат яхлитизимни амалиётга тўла жорий этилди. Хусусан, унинг асосий бўғини ҳисобланган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари Фарғонада кузтилгандан-да зиёд натижани берди. Қамров жихатдан энг катта ҳисобланган "Умид ниҳоллари" да 5 млн. 300 миңг ўқувчининг иштирок этиши жисмоний тарбия ва спортни жамиятимизда кучли оммавий ҳаракатга айлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қила бошлаганидан далолатдир. **Зеро, ҳар бир давлат, ҳар бир жамият ўз фарзандларининг соғлом ва баркамол вояга етишини хоҳлайди. Улар тимсолида буюк келажак яратувчиларини ҳамда энг олий мақсадларини ўзи-**



МУЗАФФАР КЕЛАЖАК НИШОНАСИ — СИЗ!

да мужассам этган, халқнинг доимо ҳақиқи умиди ва таянич бўлган маънан ва жисмонан етук авлодига кўради. Ўз навбатида бундай авлоднинг ҳар бир вақидан ҳаёт қийинчиликларини сабот билан енгишда иродали, чиниқ-

қан бўлиш, мустақил ҳаракат қилишга интилиш каби жихатлар талоб этилади. Бинобарин, ҳар йилги ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", тоқ ҳамда жуфт йилларда ташкил этиладиган "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари туйғали мустақил Ўзбекистонимизнинг

спорт соҳасидаги салоҳияти йилдан-йилга орта боради, халқроқ ареналарда мамлакатимиз шарафини муносиви химоя қилувчи спортчиларимиз сафи янада кенгайиб, Республикаимиз байроғи баланд қиллариш бошлайди. **Биргина, "Умид ниҳоллари" уйинларини олиб**

ди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, халқроқ мусобақаларда мамлакатимиз байроғи баланд қиллариш бошлайди. Хуллас, бу тизимнинг ўзига хос самараси ва муҳим жихатларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ИЛА ЯРАТИЛГАН ҚҮШИҚ

Учқўприк туман марказига кираверишда 2 километр масофадаги йўл четига юзлаб ўқувчи ёшлар ҳаяжон билан "Умид ниҳоллари" машъаласини қутишарди. Ўқувчиларнинг қўларидан байроқчалар, шарлар ва гуллар, "Спорт тинчлик элчиси", "Спорт—ҳамроҳ, спорт—дўст" каби шюрлар ҳам бор. Уларнинг барчаси байрамона либосда кўтаринки кайфият билан саф тортиб туришарди. Кўп ўтмай Ўзбекистонимиз байроғи ўрнатилган "Тико", "ёдамас", "Нексия" машиналари қуршоғида машъала тутган бола кўринди. Карнай-сурнайлар сандоси янгради.

Бу чўғ шундоққина уларнинг кўзларидан алаңдори болалар мактаб-интернати ижодкор ўқитувчиси Соҳиба Маҳмудова томонидан яратилган "Умид ниҳоллари" кўшиги бўлиб, уни машъалани кўтиб олиш маросимида қатнашган 300 нафардан ортиқ ўқувчи қуйлаётган экан.

Ҳа, мамлакатимизда эзгу ниятлар билан ишлаб чиқилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими бугун ўзининг ана шундай ширин илк меваларини бера бошлади, дея тўлиқ ишонч билан айта оламиз.

Марғилон шаҳар Бобур маҳалласида спортнинг волейбол тури бўйича қатнашган ёш спортчилар билан бўлиб ўтган учрашув ёшлар ўртасидаги тотувилик, биродарлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат, самимилик каби ҳис-туйғуларни шакллантириш мақсадларига хизмат қилди.

Мамасидик СОДИКОВ, Марғилон шаҳар Бобур маҳалла фуқаролар йиғини раиси: — Бугун биз маҳалламизда Ўзбекистон спорт келажак вақилларини тақлиф этган-

катимиз халқига ўтмоқда. **Азиз АЛИКУЛОВ, Сирдарё вилояти, 17-мактаб ўқувчиси:** — Рости ни айтсам, ўзимни машҳур спортчидек ҳис қилаяпман. Биз ёшларга шу кунларда жудаям кўп учрашувлар, қизилкарли тadbирлар ташкил этиляптики, бундай юксак эътибор учун ўз миннатдорчилигимизни бир оғиз сўз билан етказо олиш қийиндир. Маҳалланинг бу эътиборини мен мамлакатимизда биз ёшлар Давлатимиз, Президентимиз томонидан кўрсатила-

БУТУН МАМЛАКАТ ЁШЛАРИ ҲАРАКАТГА ТУШДИ

миз. Юртимизга катта шодёна, тўю томоша олиб келган ушбу спорт байрамига биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшиш ниятида мазкур тadbирни ташкил қилаёмиз. Қаранг, маҳалламиз жажжи болақайлари ёш спортчиларга зўр қизқиш, ҳайрат билан қарашаяпти. Бундан бутун мамлакатимизни ҳаракатга келтираётган мазкур уйинларга барча юртдошларимизнинг нигоҳлари қадалганлигини англаша бўлади. Зеро, ҳар бир қатнашчи ортида унинг ота-онаси, ака-укалари, устозу мураббийлари, қўйинги маҳалласи, дўстлари турибди. Бир сўз билан айтганда "Умид ниҳоллари" ҳарорати мана шу ёшлар орқали бутун мамла-

ётган юксак эътибор деб билдим. **Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВА, Хоразм вилояти, 7-мактаб ўқувчиси:** — Мазкур учрашувда қатнашар эканман, уйдагиларимни, ота-онам, маҳалладошларимни эсга олдим. Қанийди, бизнинг вилоятда ҳам тезроқ "Умид ниҳоллари" спорт байрами бўлса, биз ҳам мамлакат ёшларини ўз қишлоғимизда меҳмон қилсақ. Келгуси йилда бўлиб ўтадиган мазкур мусобақаларга албатта, қатнашишга ҳаракат қиламан. Ҳаракат бор жойда барака бор дейишадик. Бугун ёлғиз мен эмас, юртимиздаги бутун тенгдошларим ҳаракатга тушган.

**НУРОНИЙ ЧЕХРАЛАРДА
НУРАИ ТАБАССУМ**

Яқинда Кадан қишлоқ хўжалик касб-хуна колледжиде Каттакўрган туман ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда "Қарияларни қадрлаш йили"га бағишланган тадбир ўтказилди.
Унга 160 нафарга яқин тумanning ҳар хил жаҳаларида ўз хизматини фидокорона сингдириб келаётган меҳнат фахрийлари таклиф қилинди. Бўлиб ўтган тадбирда коллеж талабалари ва туман маданият уйининг бадий ҳаваскорлари ижросидаги дилрабо куй ва кўшиқлар дастури йиғилганлар қалбида катта таассурот уйғотди.



Хотира ҳамиша муқаддас.

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

**ҚАДР ТОПАЁТГАН
ҚАРИЯЛАР**

Республика Давлат Болалар кутубхонасининг маънавият-маърифат ва санъат бўлими ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган "Ёш китобхон наздидаги қариялар" мавзусида амалий учрашув ўтказилди. Кечада Мирзо Улуғбек туманининг "Оқибат" маҳалласидан ташриф буюрган нуроний отахонлар болалиқларини, ўша даврдаги қийинчиликларни эслаб, бузғини тинч кунларнинг қадри буюклиги ҳақида айтиб беришти. Шу тумanning 145-ҳақида 64-

мақтабларидан келган ва кутубхонанинг доимий фаоллари бўлган ўқувчилар бу отахонларни сабабу сўроқларга кўйиб ташлашти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг профессори Аҳмадҷон Жабборов ва II ҳаҳон уруши қатнашчиси, Тошкент театр институтининг солиқ проректори 82 ёшли Абдурашид Саидовлар ўз сўзларининг охирида шундай дейишти:
— Ўтмишини унутмасдан биз қаби тарихнинг тирик губоҳларини шу қадар эъозу эҳтиром этганликлариниз ҳар қандай сова-саломдан устуни туради. Сизлар эркин ҳаётнинг ҳур болаларисизлар. Китоба меҳри бўлиб, билим эгаллаб, юртимизнинг ривожланишига ўз ҳиссаларинизни кўшини. Биз қаби қариялар сизларнинг буюк мақсадларинизга эришишлариниз учун ҳар доим маслаҳатқўй ва дуозқўймиз.
Малоҳат ЭРХОНОВА, Юнусобод туманидаги 9-тарих фанига ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси

**ЭЪЗОЗГА
МУНОСИБ
ФАХРИЙЛАР**

Жиззах шаҳридаги ёшлар уйда Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. "Сизлар бор жойда бир дунё нур бор" деб номланган ушбу кеча Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди. Фидокорлар миллий демократик партияси Жиззах вилояти бўлими ва Жиззах Давлат педагогика институтининг ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирга турли соҳаларда меҳнат қилган, ҳозирда қарилк гаштини суратган 2-ҳаҳон уруши иштирокчилари таклиф этилди.
Бир пилёла қой устида ташкил этилган учрашувда уруш ва меҳнат фахрийларига ташкилотчиларнинг қимматбахо совағалари топширилди. Шунингдек, учрашувда Чернобыль атом электр станциясининг халокатини тугатишда иштирок этганларга, институтнинг меҳнат фахрийларига ҳам алоҳида иззат-эҳтиром кўрсатилди, эсақли совағалари топширилди.
Абдусаттор СОДИҚОВ

**"УЧ АВЛОД
УЧРАШУВИ"**

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили ҳақида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил санаот институтининг "Уч авлод учрашуви" аънавий тадбири ўтказилди. Унда иккинчи жаҳон уруши катнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, байналминчиллар билан бир қаторда институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этиди.
Институт раҳбарияти "Қарияларни қадрлаш йили давлат дастури" асосида нуроний отахон-отакхонларга гaмхўрлик кўрсатиш, оилада тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришда муносаб хисса қўшиб келаётган кекса профессор-ўқитувчилар фаолиятларини эътиборга олиб, доимий равишда ижтимоий тадбирларни ўтказиб келмоқда. Жумладан, утган 4 ой мобайнида уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий мухофазалаш мақсадида 10 миллион сўм ажратилди.
Институт ҳовлисида ташкил этилган Хотира майдончасида маъмур олий ўкув ортидан урушга кетган солиқ ўқувчиси ходимлар ҳамда талабалар хотираси ёд этилди.
Қиска йиғилишдан сўнг институт маданият саройи ҳузурда ташкил этилган "Инак парилари" халқ дастасининг концерт дастури тадбирга янада файз киритди. Кеча сўнгиде фахрийларга совағалар топширилди.
Қамолиддин ҚАРИМОВ

Кексаликда ҳикмат кўп. Биз ёши улуг отахону онахонларни ўзимизга маслаҳатқўй деб биламиз.
Шаҳрисабз туманида ҳам ҳар бирининг умр йўли ёшларга мактаб вазифасини ўтайдиган қариялардан 17,5 минг нафари истиқомат қилади. Улар "Нуронийлар" кенгашига жипслашган бўлиб, кенгашга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони соҳиби Боқижон Эргашев раислик қилмоқда.
"Нуронийлар" кенгашининг вазифаси нимадан иборат бўлиши керак? Тўғриси айтганда, кенгаш амалга оширийдиган ишлар чекланмаган. У хоҳ оммавий-сиёсий, хоҳ тарбиявий, хоҳ миллий ва умуминсоний қадриялар тарғиботи бўлсин кенгаш

буларнинг барчасида иштирок этиши керак.
Шу жиҳатдан олганда, Шаҳрисабз туман "Нуронийлар" кенгаши жамиятнинг барча соҳаларида ўз ўрнини топиб олишга ҳаракат қилмоқда. Шаҳарнинг ЮНЕСКОга аъзо бўлиши,

чи сабоқлари бўлса, ажаб эмас.
Шаҳрисабз телевидениеси билан ҳам "Нуронийлар" кенгаши яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. "Қарияларни қадрлаш йили"

лиши ана шундан далолат беради.
"Нуронийлар" кенгашини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ташкилот ва қорхоналар сирасига "Шаҳрисабзконсерва", "Ун", "Дон — халқризи" ҳиссадорлик жамиятлари, Болта Фозилов, Амир Темур, Бобур номдаги, шунингдек, Оқдарё ширкат хўжалиқларини киритиш мумкин. Улар кенгаш аъзоларининг соғлиқларини тиклаш ва бошқа ижтимоий муҳофаза мақсадлари учун зарурий миқдорда маблағ билан таъминлаб туришибди.

ҲАР ИШДА МАСЛАҲАТҚҲЙ

Самарқанд, Хива, Термиз қаби тарихий ҳудудлар қаби эътироф этилиши аҳамиятга молик ишлар ижросини тақозо этади. Ҳозирги вақтда туман миқёсида "Сехрли диёр" шаири остидаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу

туман тарихи, унинг келажиги хуусида эсда қолашқа маълумотлар беришмоқда. "Олтин мерос", "Экосан", "Маҳалла" хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда уюштирилган бундай учрашувлар кекса авлоднинг ёшларга берув-

муносабати билан давра сўхбатларининг ўтказилиши, "Фахрийлар — фахрийлар" туркум телеочеркларининг намойиш қилиниши ва уларда марҳум 75 нафар, ҳозирда ҳаёт 62 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳаёт йўллари акс эттири-

Гулнора УЗОҚОВА Қашқадарё вилояти

**МАКТАБ
ҚУРДИРГАН ЭДИ...**



Сафар Қулматов номи тилга олинганда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ажайиб инсон, меҳрибон ва камтарин устоз кўз ўнгимизда намойён бўлади. Улар ҳаёт бўлганларида ҳозир 90 ёшга тулардилар. Ўз умрининг 63 йилини ёшлар тарбиясига бағишлаган Сафар ака 1930-31 йилларда Самарқанд педагогика ишчилар факультетини битириб, саводсизликни тугатиш мақсабиде ўқитувчи бўлиб ишлади. 1933-36 йилларда Денос туманидаги 27-мактабда ўқитувчиллик... У кишининг умр йўли шундай саналарга

бўй. Сафар ака узоқ йиллар Денос туманидаги 24-мактабда директорлик қилди. Тўғриси, 30 йиллик давр мобайнида устознинг ташаббуси билан мактабда энг иқтидорли ўқитувчилар тўпланган эди ва уларга шарт-шароитлар яратилганди. Болалар чуқур билим эгалари бўлиши учун устоз олиб-югуриб Тошкентдан, Москвадан ҳамма фанлар учун кабинет жиҳозлари топиб келар, билимдон ўқитувчиларни излаб, таклиф қилиб, олиб келарди. Ўз сармояларини ҳисобига мактаблар қурдирди. Биттаси ҳозир педагогика коллежга айланттирилган. Нафақага чиққандан кейин ҳам домла математика фанидан дарс бердилар.
... У киши билан фахрланганидан минглаб шогирдлари бор. Устоз ҳақидаги илиқ хотираларнинг кўз ўнгимизда гавдаланиб туриши бизга ҳаммиша ёқимли бир ҳиссиёт беради.
Н.ТўРАЕВ, академик, физикаматематика фанлари доктори, Р.ҚУЛМАТОВ, кимё фанлари доктори, профессор

**ЖАНГЧИ
ЎҚИТУВЧИ ЁДИ**

Гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жанглирида бошқа халқлар қатори ўзбекистонликлар ҳам мардлиқ ва довоҳарлик кўрсатиб, ёвуз душманга катта таловат етказдилар. Аммо уруш урушлигини қилди. Жангчи ҳамюртларимизнинг бир қисми жангларда мардларча ҳалок бўлиб, оилалари бағрига қайтмадилар.
Куйида жангларда мардларча ҳалок бўлган ҳамюртлимиз жасоратлари ҳақида Марказий архив фондларидан аниқланган ҳужжатлар газетхонлар эътиборларига ҳавола этилмоқда.

ГАФФОР РАЗЗОҚОВ

Наманган шаҳрида "рабфак"ни битирган Гаффор Раззоқов бошлангич синфларда ўқитувчилик фаолиятини бошлади. 1940 йилда у ўқитувчилардан ҳарбий хизматга чакрилди. Бир йил утгач, гитлерчи босқинчиларга қарши ҳаёт-мамот жанглири бошланди. У 304-ўқчи дивизия таркибидеги 807-ўқчи полкда взвод командири сифатида жангга тушди.
1944 йил 14 июлдан 16 июлгача Тернополь вилоятидаги Даниловчи қишлоғи ва "Минет" тепалиғи яқинида душмanning ута мустаҳкамланган мудофеасини ёриб утиш учун олиб борилган жангларда взводи билан душмanning икки қарши ҳужумини қайтариб, ганимларнинг 30 га яқин солдат ва офицерини қириб ташлади.
18 июль кунини Стрина дарёсидан утиш тўғрисида буйруқ берилганда, унинг взводи дарёдан биринчи бўлиб утиб олиб, батальоннинг асосий кучлари етиб келгунга қадар эгаланган пладларини ушлаб турди. Шу жараёнда душмanning икки қарши ҳужумини қайтариб, взводи билан 20 га яқин гитлерчининг ер тизилди.
Шу жангда Раззоқов ярадор бўлди. 304-ўқчи дивизия командирининг Г.Раззоқовни Қизил Юлдуз ордени билан муқофотлаш

тўғрисида 1944 йил 30 август кунини чикарган буйруғи архив орқали сақланган қолган. (057/Н номерли буйруқ 33-фонднинг 690155-рухатлига 5644-дело 286-варақ.)
1944 йил охири ва 1945 йил бошидан эътиборан Гаффор Раззоқовдан мактуб келмай қолган. Кўп йиллар тақдирини номалум бўлиб келган. Россия федерацияси Мудофеа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивига булганимда Г.Раззоқовнинг тақдирини ҳақиқатга ҳужжат топилди.
Ҳужжатда таъкилланишча, ҳарбий хизматга Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Еркўрган қишлоғидан чақирилган Гаффор Раззоқов 1945 йил 1 февраль кунини ҳалок бўлган, Поляниннинг Котловце воеводлигининг Рибник уездига Куротяж-Ювет станициясининг шимоли-шарқий чеккасида дафн этилган экан.
Баҳолир жангчи, ўқитувчи Гаффор Раззоқов хотираси Наманган вилояти, шу жумладан Уйчи тумани аҳолиси қалбида абдий ажайди.
Марҳум устозга худонинг раҳматини тегсин, жойлари жаннатда бўлсин!
Марҳум жангчиларини хотирлаш — муқаддас инсоний бурчимиз.

Мажд САМАДОВ, уруш ва меҳнат фахрийси, ёзувчи ва журналист

ҲАЁТДА ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ, ЎЗ ЙЎРИГИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ЎЗИГА ЯРАША ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ БЎЛАДИ ВА УЛАРНИНГ БИРОРТАСИ БИЛАН САБ-ТОҚАТ, ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ВА ИНТИЛИШГА ЭЪЗОЗГА

1936 йилда Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг) кимё факультетини тамомлаган ёш кадрни аспирантурада олиб қолдиши. Яна мутолаа, тинимсиз изланишлар, таърибга ўтказишлар давом этиди.
Қутлимгоанда бошланиб қолган уруш ёш олимнинг тинчини бузиб юборди. Юрагиде ўти бор йигит бошлаб қўйган
Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни, ўз йўриги, кадр-қиммати ва ўзига яраша обрў-эътибори бўлади ва уларнинг бирортаси билан сабр-тоқат, тинимсиз меҳнат ва интилишга эъзозга келоди. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган зоҳматқош олим Рашид Қодиров ҳам ўз меҳнати орқасидан кадр-қиммат топган устоз эди.
... 1936 йилда Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг) кимё факультетини тамомлаган ёш кадрни аспирантурада олиб қолдиши. Яна мутолаа, тинимсиз изланишлар, таърибга ўтказишлар давом этиди.
Қутлимгоанда бошланиб қолган уруш ёш олимнинг тинчини бузиб юборди. Юрагиде ўти бор йигит бошлаб қўйган

**ЯХШИ НОМИНГ
БИЛАН ҚОЛ!**

Илмий ишларини бир чеккага йиғиштириб, кўнглиллар қатори фронтга отланди. Тинч дунёни ларзага солган, 50 миллиондан кўпроқ одамларнинг ёстиқини қуритган қиринбарот уруш ҳам тугади. Ўз юртига соғ-саломат қайтиб келган Рашид Қодиров Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институтини катта илмий ходим бўлиб ишлаб бошоди. У яна "нина билан қудук қазиб" га кириштиди.
Рашид Қодировнинг асосий умри ҳозирги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети кимё кафедрасида кечди.
У республика олий ўқув юртлари орасида биринчи бўлиб электрохимедан илмий лаборатория ва мактаб яратди.
Профессорнинг барча яхши хислатлари тўғрисида бугун ҳам кафедра йиғинларида кўп гапирилади.
Инсон қанчалик қамолотга эришмаса, қанча обрў-эътиборга эга бўлмаса, бу дунёда абдий қолмайди. Бирок у яратган билим ҳозиниси, мактаблари, кимлогадир кўрсатган яхшиликлари, қурган бинаolari, яратган насли ва тарбиялаган шогирдлари билан қолади. Рашид Қодировдан ҳам яхши ном, солиқ фарзандлар қолди.
Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

СОҒИНЧ

Бу дунёю у дунёда сиздайин,
Инсон қайда, офтоб янглик юздайин.
Сўз бормиқан, сизнинг айтган сўздайин,
Бузрукворим, сизни қайдан излайин.

Иссиқ-субуқ нелигини билмаган,
Ёв кўринса, кўксин қалқон айлаган,
Ҳар дақиқа Ватан—халқни ўйлаган,
Бузрукворим, сизни қайдан излайин.

Сиздан қолди унутилмас хотира,
Қабринизни безаб турар гўллола,
Пок руҳиниз офтоб нури, шалола,
Бузрукворим, сизни қайдан излайин.

Рўзимат ДАМИНОВ, нафақадаги республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи



Шу кунларда ҳамма жойда озодлик учун курашиб ҳалок бўлган жангчиларнинг муборак номлари эҳтиром билан тилга олинмоқда.
Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, 1943 йил II ҳаҳон урушининг дах-

ЎЧМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

шатли ва энг оғир дамлари, ҳаммanning фикри зикри фронтга қаратилган бир пайтда, отам Абдуллахон Хўжахонов душманга қарши аёвсиз курашиш билан бирга, Ватан мудофеасига оид очерк ва шеърлар ҳам ёздади. У хандақларда ётиб, жонахон ва серкўёш республикасини, унинг боғ-роғларини меҳнатсевар халқини, гўзал Тошкентни, ўз фарзандларини эслаб, қўлига қалам ва қоғоз олади. Ғалабанинг муқаррарлиги чуккур ишонган ҳолда шеърлар битади.
Отам Абдуллахон

Хўжахонов дастлаб ўқитувчи — нашриётчи бўлгани, рус тилини яхши билгани учун фронт газеталарига ва Тошкентда чиқадиган "Правда Востока" газеталарига мақолалари билан катнашиб, жангчилар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боради, уларга ҳарбий билимларни ўргатади, жанговарлик маҳоратини ошириш учун ҳаракат қилади. Гвардиячи лейтенантининг аскарлар билан олиб борган таълим-тарбия ишлари ўзининг яхши натижаларини кўрсатади, албатта.

"Командир ҳар бир жангчини ҳар томонлама яхши ўрганиши зарур эканлигини мен ўз таърибамда билдим", — деб гапиради эди отам.
"Жангчининг ички дунёсини билиш, унга ёрдамлашиш, гaмхўрлик қилиш, рағбатлантириш — ғалабанинг муҳим омилларидандир" дер эди.
Отам Абдуллахон Хўжахонов 1945 йилнинг октябр ойида фронтдан 6 та жанговар медаллар билан қайтадилар.
Кези келганда шуни айтиш керакки, отамнинг илк фаолияти йигирман-

чи йилларда оддий ўқитувчиликдан бошланади. Ўттизинчи йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётини адабий муҳаррир, кейин 1942 йилнинг март ойигача нашриётнинг турли бўлимларида бўлим бошлиғи ва муҳаррир бўлиб ишлайдилар. Уруждан қайтган яна журналистик фаолиятини давом эттириб, дастлаб нашриётда таржимон бўлиб, кейин қарийб беш йил давомида "Ўқитувчилар газетаси"да масъул муҳаррир вазифасида фаолият кўрсатади.
"Газетани қайта таш-

кил қилишда Абдуллахон ака катта ташаббус кўрсатди ва бир неча йил давомида редакцияга раҳбарлик қилди", деб эслайди, ўша вақтда отам билан бирга ишлаган журналист Тоҳир Зуфаров, "Абдуллахон ака ҳақиқатан ҳам журналистика ишини яхши биларди. Ўз вазифасига ниҳоятда масъулият билан қарарди; изланарди, ишга иходий томондан ёндошар эди. Аъло даражадаги муҳаррир ва таржимон эди. Мен Абдуллахон акадан кўп нарсани ўргандим".
Отам ҳақидаги бу

ЎҚИТУВЧИЛАР УСТОЗИ

"Мурод Жабборовни ҳалол ва тўғри инсон, маориф соҳасининг катта фидоисини сифатида билман, — дея таъкидлайди Самарқанд Давлат чет тиллар институтини ректори, профессор Юсуф Абдуллаев. — Институтга раҳбар этиб тайинланганимдан сўнг, сафимизда ана шундай инсонлар кўпроқ бўлишни истаб, у кишини ишга тақлиф қилдим, йўқ демеди. Узига хос ташаббускорлиги билан кўрина бошлади. Хозирда домла ўқитувчилар малакасини ошириш минтақавий факультетининг асосчиси ва раҳбаридир. Факультетда ҳар йили Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хоразм, Қорақалпоғистондан келадиган 100-120 нафар лицей, коллеж, академик лицей ва техникум-

лар ўқитувчилари ўз касбин малакаларини бойитишади. Бунда Мурод ақанинг алоҳида хизматлари ва ўрни бор".

М.Жаббаров таълим-тарбия соҳасини такомиллаштириш, берилаётган билимлар савиясини ошириш бўйича тинмай изла-ниб келади. Шу пайтга

E'tirof

қадар таълим-тарбия соҳасига оид унлаб илмий асарлар ва ма-

қолалар чоп этирди. Бундан ташқари 37 йиллик педагогик фаолияти давомида М.Жаббаров юздан зиёд илгор тажрибаларни, халқ таълими ходимларининг педагогик фаолиятларини ўрганиб, уларни таҳлил қилди ва ёш ўқитувчи-ларга тавсия этиш мақса-дида брошюралар, кўрсат-малар ҳамда плакатлар чи-қарди. Унинг мақолалари



малари сифатида чоп этилган. — Агар узоқ йил бор жойда ишласанг, у ер сенга ўз уйингдек азиз, атроф-дагилар эса туғишган биродарларинг, она-сингил-ларингдек бўлиб қолишар

экан. Институт менга ана шундай даргоҳдир, — дейди ҳамкасбимиз.

Равшан САТТОРОВ, СамДЧТИ доценти, Хожали ХОЖИЕВ, СамДЧТИ услубчиси

АЖДОДЛАРДАН АВЛОДЛАРГА

Юртимизнинг пирю бадавлат онахонлари, отахонларини туганмас ҳазинага менгаймиз. Чунки, уларнинг ҳаётий тажрибалари, кўрган-кечирганлари, минг бир маслаҳатлари ўзиде мужассам этган китоблардан-да юз чандон устун туради. Буку дунёқараш ва савиянинг етуқлигидан далолат беради. Энди уларнинг қўли гуллигини айтмайсизми?! Фарзандларининг роҳатини кўриб, етти қаваб кўрпача устида ўтирадиган пайтларда ҳам тиниб-тинчишмайди. Шундайлардан бири Қашқадарь воҳасининг Касби туманидаги Шакаржўй қишлоғидаги 18-мактаб ўқувчи қизларига каштачилик санъатини ўргатаётган 67 ёшли Хумнатой она Шодмонова бўлади. Онахон ҳозирда каштачиликнинг энг кам учрайдиган ва мураккаб йўналиши бўлган бизгиз усулида тикишни ўздан икки-уч авлод кичик ўқувчиларга келинлари ҳамда тиниб-тинчиш биргаликда ўргатмоқда. Халим ёшли шижоатини йўқотган қаҳрамонимиз ҳар бир ишга бош-қош. Керак бўлса, ҳар бир қадамининг ҳисобини олади.

— Ешим бир жойга бориб қолди деб, қараб ўтираверсам ҳам бўлмайди. Узининг билганларини ҳозир невараларимга ўргатсам, унуглиб кетаётган бизгиз усулида тикишни давомчилари қўяди. Асосий мақсадим ҳам шу. Мана бу кашталарга қизлар кўз нурини, қалб кўрнини бериб чиқади, санъатга шайдо бўлиб, ишқибозлиги ортади. Эртага оиласи хонадонини учун керакли нарсалар тикиди. Хикоясини шундай бошлаган Хумнатой она ўз қўли билан яратган санъат асарларини бир-бир кўрсатар экан, энг ардоқлаганим мана бу — иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган отам Шодмон-қул Абдурахмоновнинг хотирасига бағишлаб тиккан жойнамоз бўлади, — дея хурсиниб қўяди.

Ҳақиқатдан ҳам, мўъжазгина матога туширилган иплар жи-ло-си хотираларини сўзлаётгандай. Тиниб-тинчимас онахоннинг аж-додалардан авлодларга қабилда иш тутаётгани қувонарли ҳол. Зеро, зум ўтмай тарихга айланадиган бугунимиздан фақат ва фақат биз яратган меросларига сўзлайди.

Насиб ЭРХОНОВА

Xotira — muqaddas

васини берган кун келди. 1971 йилда "Чўл, яйлов сув таъминоти тизимига қўёш, сув чучитчиларидан фойда-ланиш" мавзусида номзодлик

келиши ёқтирарди. Шунинг учун янаги кун маъруза мат-нлари ҳам, лаборатория ма-шғулоти мавзулари ҳам бир кун олдин сайқал топиб турарди.

Илмий ишларнинг салоҳи-яти, унинг кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги афзалликлари инобатга олиниб, Б.Очилов Қори Ниёзий номидаги дав-лат мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди. Бухоро ге-лиотехника илмий мактаби собиқ Иттифокда ҳам ном қозонди. Б.Очиловнинг бево-сита илмий раҳбарлигида мам-лакатимиз, шунингдек, Бол-гария, Мўғулистон ёш олим-ларидан ўндан ортиқ кун ном-зодрлари етишиб чиқди. Б.О-чилов раҳбарлигида 100 дан зиёд илмий мақола, дарслик ва услубий китоблар чоп этил-ган.

Профессор Бўрон Очилов ге-лиотехника соҳаси бўйича йирик олим, Бухорода бирин-чи фан доктори бўлган ин-сон сифатида эсланади. Бу ҳар қандай инсонга ҳам насиб қилавермайдиган бахт.

Дилмурод ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



топдим, лекин қўнглим-дай қўнгал тополмадим, — дер эди.

Бу сўзлар ҳаётда нақа-дар тўғрилигини бугун кўриб-билиб туғганим-дан. Бобом исқаламиз ё-ниш узоқ-узоқ суҳбатла-риш, бундай пайтларда у киши кўпроқ ташар, мен эса тинлар эдим. Шундай суҳбатлардан бирида мен бобомга кишлоқдаги ту-ғишган ака-укаларнинг жанжали, ҳариндошлар-нинг ўзаро келишмовчили-ги ҳақида айтганимда, бобом:

— Менга қара, — деб қўларини кўрсатар ва давом этар эдилар, — кўраяпсанми, эт билан тирноқини ажратиб бўлмайди. Агарда шундай қилинса, одамнинг жони халқумизга келади. Ака-укалар ҳам мисоли эт билан тирноқдай. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Шунинг учун уларни муроаса ча-қирини керагу бирининг тарафини олиб, оралари-га тушмиган маъқулақ.

Ҳаётда туғишган ака-укаларнинг бир-бирларини ҳақоратлаб, жаққа-мушт бўланларини қўрганмида, беихтиёр бобомнинг юқоридаги ўғти эсимга тўшади. Бу дунёдан ўтганларни тез-тез ёда олиб туриши, улар ҳақиқа охши сўзлар айтиши улар руҳини шод қиларкан. Шунинг учун ўтганлар ёдини хотирада жонлан-тириб туриши, инсоний бурчимиздир.

Хотира — муқаддас

УСТОЗНИНГ БАХТИ ШОГИРЛАР КАМОЛИДА



"Исроилда бўлган ҳар бир кун ҳаётимнинг энг масъулиятли кўнлариди бўлди, — деб эслайди Шук-рулло ака юзида майин та-бассум билан. — Дунёнинг 15 та мамлакатидан таш-риф буюрган 28 нафар ўқитувчилар билан бирга-ликда 30 кун Исроилда за-монавий ўқитиш усуллари билан танишдик".

"Тил билган — эл қавади" деб бежиз айтишмаган. Қаҳрамонимиз, фидоий ўқитувчи, халқ таълими аълочиси Шукрулло Расу-лов Оқолтин туманидаги А.Маматов номи илмий тили чуқур ўргатиладиган 22-мактаб раҳбари бўлиб 10 йилдан буйи ишламоқда.

У киши яқинда Исроил дав-латида савфарида бўлиб, у ер-дан олам-олам таассурот-лар билан қайтди. 70 йил-лик исқанжа юртимизда хо-рижий тилларни чуқур ўрганиш учун йўл қўймас эди. Истиқлол натижасида янги турдаги мактаблар очилди. Ана шундай мак-таблардан бири Оқолтин туманидаги Фалаба қишло-ғида, Ш.Расулов бошчили-гида, туман ҳокимлиги раҳ-намалигида очилди. Даст-лаб мослаштирилган бино-да 6 нафар ўқитувчи билан 5 та синфга дарс бериш осон эмасди. 1993 йил ту-ман ҳокимлиги томонидан мактабга замонавий, янги типдаги мактаб қуриб бе-рилди. Мактабга шу ки-шлоқда яшаб ўтган, кўп йил-лар мактаб директори, ум-рининг сўнгги йиллари ки-шлоқ фўқаролар йигини ра-исини вазифасида ишла-ган А.Маматов номи берил-ди. Мактабда илмий тили дарслари "Инглиз фонети-каси", "Оғзаки нутқ", "Инглиз

грамматикаси", "Уйда ўқиш" каби аспектига бўлиб ўқитилмоқда. 1994 ва 2002 йилда мактаб ўқитувчилари "Йил ўқитувчиси" кўрик-тан-ловида туман биринчили-гини олишти. Мактаб жа-моаси 1999 йил республи-ка миқёсида ўтказилган "Йил мактаби" кўрик-тан-ловида ҳам фаол иштирок этди ва Халқ таълими ва-зирлигининг фахрий ёрли-гини кўлга киритди. Хозир-ги кунда мактабда 36 на-фар ўқитувчи ёшларга таъ-лим бермоқда. Мактабнинг вилоят, республикада обрў ор-тиришида Тинчлик кор-пусининг ҳам ҳиссаси кат-тадир. 2000 йил АҚШнинг Вашингтон штатидан кел-ган Стефени Томплин хони-м 1 йил давомида мактабда инглиз тилидан дарс бер-ди. 2002 йил май ойида яна Стефени хонимнинг таш-рифи кўзда тутилмоқда.

Мактабни ўз оталигига олган Азим Маматов оила-си 2 та компьютер, 1 та те-левизор бериш билан бир-га, ҳар чорада аълочи ўқув-чилар учун 3000 сўмдан сти-пендия бериб турибди. Мактабда "Азим Маматов — тоғ музеи" ташкил этил-ган.

Албатта, оддий кишлоқ мактабининг эришайтган ютуқларида унинг раҳба-рининг ҳиссаси бекиёсдир. Домла босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлар экан, шогирдлари камолидан дили ёришади. Нуфузли олий таълим даргоҳларида ёшларга дарс бераётган шогирдларини ишдан мам-нун. Шунингдек, 2 нафар шогирди таржимон, 4 на-фар шогирди у киши билан елкама-елка ишламоқда. 15 нафар шогирдлари Рес-публикамизнинг турли ви-лоят мактабларида инглиз тилидан дарс бермоқда.

"Хали қилинадиган иш-лар кўп, — дейди домла. — Мактаб компьютерини ин-тернет тармоғига улаш, ма-уросадан таълим бериш ти-зимига ўтиш нафақат ме-нинг орузим, балки давр талаби ҳамдир".

Биз бу тиниб-тинчимас, изланувчан инсоннинг иш-ларида муваффақиятлар тайилми.

Абдували МАМАТОВ, 22-мактаб ўқитувчиси



Чиройли исм ҳам инсонга хусн бағишлайди, дейдилар. Агар у ўша инсоннинг феъ-латворига, табиатига, юриш-ту-ришига сингишган бўлса, яна ҳам ярашикли, яна ҳам ўқтам кўринади. Бўрон ақанин-инг исми жисмига жуда-жуда мос эди. Унинг шижоатидан, юз-кўзларидан ўзаро мулоқот-ларда ички бир шиддат уфу-риб туради. Табиатан у сер-гап одамларни тоифасига кир-масди. Етти ўлаб бир гапи-радиган феъли бор эди. Сўзлари юкли бўларди дом-лади. Кўзларига тик қараб суҳбатлашиш қийин эди. Ол-дингида ҳақиқий бўрон тур-гандек ахтиёткор сезардингиз ўзингизни. Бўрон ака завор-ли суҳбатларини ёқтирарди. Номига илм қувиб юрганлар-

ИККИНЧИ УМР

дидан кўп қузданман. У ҳеч қачон шошиб юрган одам эмас. Зилдай юк билан юра-ди доимо. Охиста-охиста қадамлари орасида ҳам фикрлар талоши, янги изланиш-лар рўёби бор эди гўё.

Унча-мунчани тан олмай-диган чалани фазилатлар ҳам гоҳ-гоҳ кўриниб бериб қо-ларди бу инсонда. "Уйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир" наклини тез-тез ёдга оларди Бўрон ака. Бир сўзлик, тан-тилиқ, дангаллик, бекор бўл-са жиндақ ўжарлик ҳислатлари унга ярашиб туради. Назари-мизда, улкан олим Бўрон Очиловнинг сурат ва сиёрати-га бироз чизгилар бериб, унинг инсоний жиҳатлари ҳақида озорқ бўлса-да, илиқ тасаввурга эга бўлдик.

Бўрон Очиловни орқа-ол-ни унча хўшламасди. Шунинг учун ҳам у фанда каттикўл-лик қиларди. Шогирдлари меҳнатларининг самараси бўлишига ундарди. Гоҳ атро-фи бўшаб қолса, ўқинмасди ҳам.

Бўрон Очилов 1960 йилда ўрта мактабни олтин медал-чи билан тугатиб, Бухоро Давлат педагогика институтининг (ҳозирги БухДУ) физика-ма-тематика факультетига ўқиш-га киради. 1965 йил Бўрон ака олийгоҳни ҳам муваффа-қиятли тугатиб, институтнинг "Умумий физика кафедраси"-да меҳнат фаолиятини бош-лайди. Бўрон ака ёшлигиданок ў-олов бўлиб ўсан эди. Фикр-лари теран, атрофга синчков боқувчи йигит тез орада ян-гиликлар ярата бошлади. Ил-мага чанқоклик, эзгу ишлар яратишга ташналик ёш олим-га ором бермай қўйди. У из-ланишлар жараёнига шўнгиб кетди. Беором кўнлар, бедор тўнлар Бўрон акага олдинда ҳали ҳаловатли кўнлар бор-лигидан дарак бера бошлади. Иктидорли, истеъодли ёш олим ўз фаолиятини су-сайтирмади. Ақинча, нурга талпиниб яшайди. Бу орзуга иштиёқманд интилишлар ме-

Юртбошимиз томонидан бошланаятган ҳар бир эзгу иш жойларда ўзининг муносиб ақсини топмоқда. Жумладан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳам йил сайин эл орасида ўзига хос мазмун ва мақсадга эга санага ай-ланиб улгурди. Буни эса юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлиб ўтаётган тадбирлар та-фсилотидан ҳам ўйлаб бўлади. Шундай шоди-ёнарлардан бири "Амероз Индустриес" қўшма корхонасининг Паст Даргом филиали томо-нидан ташкил этилди.

Тадбирга туман халқ таълими тизимига кўп йиллар меҳнат қилган 100 нафар кекса

бўлдим, — деди корхона раҳбари Аслиддин Баҳриев. — Негаки, даврадаги отахон ўқиту-вичилар барчамизга устозлик қилиб, ҳаётдан ўз ўрнинини топишимизга кўмак бериш-ган. Айниқса, уларнинг таълим тизимига ум-рининг охиригача хизмат қилиб, ўқитувчининг кадрли нони билан бизни воёга етказган марҳум отам ҳақидаги бугунги хотиралари мени ҳаяжонга солди.

Баҳриддин Мавлонов туманда нафақат тажрибали ўқитувчи, раҳбар, балки педаго-лар сулоласига асос солган инсон сифатида ҳам эсланади. Дарвоқе, хотира уйғонса қўзал-дир, дейишади. Уша кун туманда ташкил этилган илм мактаб ташкилотчилари, ўтган йиллар давомида фаолият кўрсатган таълим фидоийлари тилга олинди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиши ке-ракки, "Амероз-Индустриес" қўшма корх-онасининг Паст Даргом филиали томонидан таълим муассасаларига, ўқувчиларга мунта-зам ҳоимлик кўрсатиб келинмоқда. Бир-гина жорий ўқув йилида 55-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳамда мактаблар-нинг кам таъминланган оилалар ўқувчи-ларига 360000 сўмлик ўқув сумжалари, 100 нафар болага пойафзал олиб берилди.

ХОТИРА УЙҒОНГАНДА

ўқитувчилар тақлиф қилинди. Улар бир пиё-ла чай устида ширин суҳбат қуришти. Эъти-бор рави сифатида корхона томонидан кекса муаллимларга қимматбахо совғалар улашил-ди. Фахрий педагоглардан М.Ериев, Т.Мусур-монов, Б. Амиров, Ш.Умиров, Р.Маматовлар тадбирда сўзга чиқиб, Президентимиз то-монидан ушбу йилнинг "Қарияларни кадр-лаш йили" деб эълон қилинганлиги ҳамда ҳар йили ишониланадиган 9 май — Хотира ва Қад-рлаш куни бир-бирига уйғун амаллар экан-лигини ҳамда бу каби эътибор нуронийлар кўнглини тўқ қилиб, умрига умр қўшаётган-лигини мамнуният билан таъкидлашди.

— Бугун мен саовб ишининг ҳақиқатда жан-натий амал эканлигига яна бир бор амин бўлдим, — деди корхона раҳбари Аслиддин Баҳриев. — Негаки, даврадаги отахон ўқиту-вичилар барчамизга устозлик қилиб, ҳаётдан ўз ўрнинини топишимизга кўмак бериш-ган. Айниқса, уларнинг таълим тизимига ум-рининг охиригача хизмат қилиб, ўқитувчининг кадрли нони билан бизни воёга етказган марҳум отам ҳақидаги бугунги хотиралари мени ҳаяжонга солди.

Баҳриддин Мавлонов туманда нафақат тажрибали ўқитувчи, раҳбар, балки педаго-лар сулоласига асос солган инсон сифатида ҳам эсланади. Дарвоқе, хотира уйғонса қўзал-дир, дейишади. Уша кун туманда ташкил этилган илм мактаб ташкилотчилари, ўтган йиллар давомида фаолият кўрсатган таълим фидоийлари тилга олинди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиши ке-ракки, "Амероз-Индустриес" қўшма корх-онасининг Паст Даргом филиали томонидан таълим муассасаларига, ўқувчиларга мунта-зам ҳоимлик кўрсатиб келинмоқда. Бир-гина жорий ўқув йилида 55-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳамда мактаблар-нинг кам таъминланган оилалар ўқувчи-ларига 360000 сўмлик ўқув сумжалари, 100 нафар болага пойафзал олиб берилди.

А.ЭРНАЗАРОВ

Hech kim va hech narsa unutilmaydi

каби илиқ ва самимий сўзлар мени беҳад қувонтиради. Ана шундай вақтларда, маърифат-парвар кишининг, халқ зиёлиси — мохир журна-лист ва таржимоннинг фарзанди бўлганимдан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан ва фахрланаман. "Ўқитувчилар газе-таси"даги иш даврида отам "Халқ маорифи аълочиси" деган номга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Давлат на-شريётининг бош муҳар-рири, ва директор ўрин-босари (1950-1953), Ўзбекистон фанлар ака-демияси тил ва адаби-ёт институтининг катта илмий ходими (1953-

1964) бўлиб ишлайди ва жуда кўп илмий тадқиқот ишларини олиб боради. Институтнинг лугат сек-тори олимлари билан биргаликда бир неча йил-лик меҳнат маҳсули бўлган 4 томлик "Русча — ўзбекча лугат" ва 40 мингдан ортиқ сўзга эга бўлган "Ўзбекча-русча лугат" ва икки томли 60 минг сўз ва бирикмадан иборат "Ўзбек тилининг изохли лугати" босилиб чиқишида фаол қатнаша-ди. Отамнинг таржимон-лик фао-лияти ҳам диқ-қатга сазовордир. У бир қатор сиёсий ҳамда ба-дий асарларни, жумла-дан, А.Макаренконинг

"Педагогик поэма", Д.Чи-бияновнинг "Қуёш қизиги остида", М.Розен-фельднинг "Денгиз сир-лари", И.Ликстановнинг "Кичкинтой", Ж.Свифт-нинг "Гулливернинг саё-хатлари", "Гулливер ли-литурлар хузурида", П.Пупперланин "Жон-ли математика" ва бошқа бир қанча китобларни ва мақолаларни таржима қилганлар.

Афсуски, отам Абду-лаҳон Ҳўжахонов ҳозир орамизда йўқ. Аммо унинг ёрқин сиймоси бу-гунги кунимизда, номи ва хотираси ҳамisha қал-бларда сақланади.

Аҳмадхон хожи ХУЖАХОНОВ АБДУЛАХОНОВ ўғли



Ўзбек тилининг асосчиси Алишер Навоий бир кун ота шогирдлари билан ке-лётганида рўпарадан ёши-на бола қизик қолди. Шунда ҳазрат Навоий жижовни тор-тиб, отдан тушди-да, болага салом берди.

Сўнг яна отга минди-да, йўлида давом этди. Шунда бир ҳамроҳи сўра-ди: — Ҳазрат, сизнинг ёшига болақайга бунчалик эътибор-ингиз, отдан тушиб, салом беришингиз бизни лол этди. Бунинг босни не?

— Чунки бу бола устозим-

ОТЛАР ҚЎЗИ

нинг набираси эди... Ушбу ибратли воқеадан устозларнинг қанчалик буюқ, азиз сиймо эканлигини ҳис этишимиз мумкин. Биз бугун "Қарияларни кадрлаш йили" ҳамда 9-май Хотира ва қадрлаш" кунини муносибати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, урушдан ярадор бўлиб қайтса-да, муаллим-лик аталими мураккаб касб-ини ҳаётга жо қилган инсон Ҳолиёр бобо 1920 йилда Чироқчи туманида туғилди. Собиқ совет тузуми туғайли оиласи 1932 йилда барча оту-туяларидан махрум эти-либ, Тулага қулоқ қилинади. У киши оиласининг беғона ва совуқ ўлкада анча азоблар чекканини ҳозир оғриқ билан эслайди. Улар оқлашиб, 1938 йили Ватанга қайтиб келиб ҳам рўшнолик қўршимади. Чунки, уруш бошланганди.

Жонибек бобонинг (отаси) уч фарзанди урушга кетади. Шундан Ҳолиёр ота омон қайтди. Қўлтиқтаёқда келиб, Қарши педагогика билим юр-тини (1947), Бухоро педаго-гика олийгоҳини (1961), сўнг то нафақа ёшигача мактаб-да болаларга илм улашди. Минг-минглар қалдирғочлар-ни учирма қилди.

Болаларни, мен ноғирон бўлсам-да, ҳаётда тўхтаб қолишни хохламадим. Ўз би-лимимни ошириб, ўқитувчи-лик касбинини то қаригунимча қилганимдан шўқроналар айтаман деб болаларга на-сиҳат қилди.

Акматав АБДИЕВ

ҲАР БАҲОР КЕЛГАНДА..

(Отам Хотам Рустам ўғли хотирасига)

Ҳар баҳор келганда боғларга қайтиб, Майсалар буй чўзиб, бинафша қулса. Булбуллар қўйлашиб, қўшинин айтиб, Гуларни эркалаб юракдан себса. Шаббодалар эсиб, тўзгитса сочим, Атиргул буйлари тутса оламни. Соғиндан шайқатор оқар кўзёшим, Ичимга ютаман дарду аламни. Дардимни айтаман, сирдош қаламга, Соғин азобида ўртанар қўнгли. Сизни эсламасдан ўтмас кўнларим, Соғинча боғлашиб қолганман бутқу.

Райҳон РАСУЛОВА, Зомин туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси

Хўш, энг фаол сўз қайси? Натижаларга биноан, 1- ва 2-ўринларда биз ҳали энг асосий сўзлар — "истикбол" (58662 та сўздан 3045 таси — 5%) ва "мустикал" ҳамда у асосида ясалган сўзлар (3042 таси — 5%) туртиши.

Қув жараёни савиясини янада кўтаргани мақсадиди янги техник ва бошқа воситалар сотиб олиш учун ҳамкорларимиз томонидан шу қўлларда 45 минг евро миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Qonun va fuqaro

Мазкур қонунни мазмун-моҳиятан "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонун (9-ма-колада)нинг мантикий давоми ва тўлдирув-чиси, десак ҳам бўлади. Шу боис чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари билан бо-глик ҳуқуқий муносабатлар ҳам ўз даврида 1991 йил 14 июндаги "Ўзбекистон Респу-бликасида чет эл инвестициялари тўғрисида"-ги қонун, 1994 йил 5 майдаги "Чет эл инве-стициялари ва чет эллик инвесторлар фаоли-ятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинганди. Бугунги кунда со-ҳадаги муносабатлар 1998 йил 30 апрелда-да "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг ка-фолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чорала-ри тўғрисида"ги қонун билан тартибга соли-нади. Қонун 13 моддадан иборат.

Қонуннинг мақсади, унда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг ка-фолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чорала-рини белгилайти. Вазифаси — чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва

ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривож-лантириш институтида Ўзбекистон Респу-бликаси "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Респу-бликаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар муаммолари институти ҳамкорлигида "Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истикбол" мавзусида II Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжу-манда республикамизнинг барча вилоятлари-дан ва Тошкент шаҳридан ёшлар муаммола-ри билан шуғулланадиган мутахассислар, олимлар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва ўқув-чилар, талабалар, "Қамолот" ЁИХ бошлан-ғич ташкилоти раҳбарлари, шунингдек, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишти.

Ўзбекистон ёшларининг бугунги кундаги умумий муаммолари, уларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатларини ижо-бий ҳал этиш йўллари, эҳтиёжлар ва талаб-ларини ўрга-фойдали ус-ҳақида қиз-ғунузарила бўлиб ўтди. Икки кун давом этган йиғилиш ўз ишини уч шўбага бўлин-ган ҳолда олиб борди. Муҳаммаджон Куро-нов раислигидаги "Миллий мафкура, ёшлар-ни миллий ватанпарварлик руҳида тарбия-лаш ва ёшлар ҳаракатининг истикболли йўна-лишлари" шўбасида 20 дан ортқ мавзу до-ирасидаги маъруза ва тавсиялар тинланди.

"Ёшларнинг ижтимоий муаммолари, таъ-лим-тарбия, бандлик, тадбиркорлик, ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ривожлантириш масалалари" шўбасида ҳам долзарб масала-лар ечими юзасидан хулосалар эъланди. "Жамиятимизда етарли салоҳиятга эга бўлган ёшлар билан бир қаторда ўзининг тор доирасида қолиб кетган, бошқалар билан му-носабатга кириша олмайдиган, яъни безори, гийҳванд, ҳаётда ўз ўрнини тополмаган ёш-лар ҳам учраб туришидан кўз юма олмаймиз. Худди шундай ёшлар билан ишловчи гуруҳ ту-зилиши ҳам йиғилиш қарорига киритилди" — деди Тошкент кимё технология институти талабаси Шерзод Розиков.


"Ёшларнинг ижтимоий психологияси, маъ-навий баркамоллиги, уларда оила аъёналари ва миллий кадриятларни шакллантириш муаммолари" шўбасидаги фикрлар тўна-шуви эса жуда кескин ўтди ва энг аниқ кўрсатмалар амалий фаолиятда қўлланили-ши белгилаб берилди. Анжуман ақинида ушбу тадбирнинг аънавий ўтказилишига ва нав-батдаги йиғилиш 2003 йилнинг май ойида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтишига келишиб олинди.

Умуман олганда, баландривоз гаплардан ҳоли, камчиликлар тан олинди, ўтказилган бу анжуман ёшлар билан ишлашда янги йўна-лишларни белгилаб берди, деб айтиш мум-кин.

Насиба ЭРХОҲОВА,
"Ma'rifa" мухбири

— Аввало, коллеж ва унда-ги иқтисодчилар ҳақида ба-тафсил сўзлаб берсангиз.
— Коллежимизда мехмонхо-на хўжалиги, ресторан иши ва туризм йўналишлари ташкил этилган бўлиб, унда 9-синфи тугатган ёшлар 3 йил таҳсил ола-дилар. Ҳозирги кунда 690 нафар талабаларга мехмонхона хўжа-лиги, ресторан иши ва туризм йўналишлари бўйича таълим бе-ришга ҳаракат қилмоқдамиз. Улар икки йил мазкур йўналиш бўйича умумий касбий билим-ларни, охириги йили эса ўзлари танлаган иқтисодиёт бўйича ма-хсус билимларини ўрганадилар.
— Малакали мутахассис тайёрлаш осон иш эмас. Жа-ҳон талабларига жавоб бера оладиган ўқув биноси, фан хоналари, дарсликлар, техник воситалар ва бошқа жиҳоз-лар. Бу эҳтиёжлар қандай қондирилмоқда?
— Дарҳақиқат, ўқув дастури-мизда амалиётга катта аҳамият бе-рилган. Талабаларимиз "Интер-континенталь", "Шератон", "Ўзе-бекистон", "Шодлик Палас" мехмон-хоналарида ҳамда "Ўзбекистон-из" Миллий компанияси тасарруфи-да қайтдилар.

Kollejlar hayotidan



Шунингдек, уч нафар ўқитувчи-миз Магдебург, Берлин шаҳар-ларида ўн беш кунлик ва бир ойлик малака оширишда бўлиб қайтдилар.

